

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР» КАФЕДРАСИ

МУХАМЕДЖОНОВА Л.П. МИРЗАҚУЛОВ Б.Т.

СИЁСАТШУНОСЛИК

**(ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА-1)**

БУХОРО - 2008

Ушбу ўқув-услугий қўлланмада сиёсатшунослик фанининг асосий мазмуни ва тушунчалари бўйича таърифлар, чизмалар ва жадваллар берилган. Унда сиёсий жараёнлар, ҳокимиятнинг амал қилиш тамойиллари, жамият сиёсий тизими моҳияти, давлатнинг асосий шакллари, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий принциплари ҳамда намоён бўлиш шакллари баён этилган. Ўқув-услугий қўлланма олий ўқув юрти талабалари ва сиёсат билан шуғулланувчи мутахассислар учун тавсия этилади.

Тақризчилар:

Юсупова Г.Х. Ўзбекистон Миллий Университети
«Сиёсатшунослик» кафедраси мудир, сиёсий
фанлар номзоди, доцент

Аминов Ф.М. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси
институти, «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди.

«Ижтимоий фанлар» кафедраси йиғилишида тавсия қилинган
Мажлис баёни: _____сон, 2008 йил _____июнь
Бух ОО ва ЕСТИ услубий кенгаши томонидан тасдиқланган
_____сонли мажлис баёни, 2008 йил _____июнь

МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i>	4
<i>Сиёсатишунослик фани, предмети, объекти ва тузулиши</i>	5
<i>Сиёсий прогнозлаш</i>	13
<i>Қиёсий политология</i>	24
<i>Сиёсат</i>	27
<i>Сиёсий қарашлар, зоялар ва таълимотлар тарихи</i>	34
<i>жамиятнинг сиёсий тизими</i>	59
<i>Сиёсий жараён</i>	69
<i>Сиёсий тартиботлар, сиёсий концепциялар ва назариялар</i>	74
<i>Сиёсий ҳокимият</i>	95
<i>Давлат, давлат тузулиши, давлат шакллари</i>	107
<i>Фуқаролик жамияти</i>	130
<i>Сиёсий партиялар, сиёсий манфаатлар</i>	134
<i>Сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура</i>	155
<i>Дин</i>	171
<i>Сиёсий элита, сиёсий лидер</i>	175
<i>Ташиқи сиёсат, жаҳон сиёсати, сиёсий вазият</i>	186
<i>Миллатлараро муносабатлар, миллий сиёсат</i>	201
<i>Сиёсий конфликт (можаро)</i>	208

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида ўқитилаётган политология фанидан янги дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратиш – энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Негаки, бу йўналишда чуқур ўзгаришларни амалга оширмай туриб ёшларнинг замонавий сиёсий дунё қарашилини шакллантириш, уларнинг интеллектуал камолотга эришувини таъминлаш мушкулдир.

Политологиядан янги дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратиш йўлида муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, уларни қониқарли деб бўлмайди. Бу фандан амалдаги дастурлар, ўқув қўлланмалари ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Улар халқимиз тафаккурига ёт, носоғлом ғоялар ва қарашлар таъсиридан холи эмас. Шу боисдан ҳам политологиядан янги дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликларни яратиш ўта долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг: «Кўп асрлик тарихимиз шунини кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга», деб таъкидлашлари бежиз эмас.

Политологиядан янги дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш – ўта мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. У мамлакатимизда ва хорижий давлатларда сиёсий фанни ўқитиш тажрибасини ҳисобга олишни, буюк мутафаккирларнинг сиёсий ғояларига ва бугунги кун сиёсий фанида эришилган ютуқларга, миллий истиқлол мафкураси тамойилларига таянишни кўзда тутати.

Тавсия этилаётган ушбу ўқув-услубий қўлланма юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда тузилган. Унда замонавий сиёсий фаннинг энг муҳим устувор мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилган.

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАНИ, ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ ВА ТУЗИЛИШИ

Яхлитликдаги сиёсий ҳаёт, унинг асосий таркибий қисмларини (рўёбга чиқариш), ўзгаришлар тенденциялари ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан алоқалар политологиянинг предмети ҳисобланади.

Мазкур фаннинг объекти сиёсат тадқиқотчилари олдида турган аниқ вазифалар билан белгиланади. Бундай вазифаларга сиёсий ҳаётнинг бевосита ўрганиладиган соҳаларини, масалан, сиёсий муносабатлар, сиёсий тизим, сиёсий маданият, сиёсий жараёнларни ва ҳ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, политология фани ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрин тутаяди, ҳамда сиёсатни ўрганишда ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифалари борлиги билан фарқ қилади. Сиёсат илм-фанни қизиқтириб келган анъанавий соҳа ҳисобланади. Политология тузилишига кўра, сиёсат соҳасидаги билимлар тизими сифатида қуйидаги фанларни ўз ичига олади:

- *сиёсий фикрлар тарихи* (сиёсий таълимотлар тарихи). У турли тарихий даврларда мавжуд бўлган сиёсий ҳаёт ва унинг таркибий қисмлари (биринчи навбатда давлат ва ҳуқуқ тўғрисида) тўғрисидаги тасаввурлар тараққиёти босқичларини ўрганади;
- *сиёсий фалсафа*. Политологиянинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий муносабатлар тизимида сиёсатнинг ўрни тўғрисидаги тасаввурлар ва тадқиқотлар принципларини (қоидаларини) белгилайди, у сиёсий фан категориялари, тушунчаларини шакллантиради;
- *сиёсий социология*. Эмпирик (ҳиссий идрок этиш, тажриба). Маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этишга таянадиган сиёсий билимларнинг анча серқирра соҳаси бўлиб, аниқ сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда реал сиёсатнинг оқилона, мақсадга мувофиқ базаси бўлиб хизмат қилади, сиёсий мақсадларга эришиш тактикасини танлаш ва вазифаларни қўйишда сиёсий қарорлар қабул қилиш ва олдиндан айтиб бериш учун фойдаланилади;
- *сиёсий психология*. У сиёсий ҳатти-ҳаракатни ва унинг сабабларини, айниқса оммавий шаклларда ўрганади;
- *сиёсий антропология*. Унинг объекти – у ёки бу шаклда сиёсий фаолият билан шуғулланувчи инсондир. У ижтимоий ҳаётнинг бу соҳасига кишиларнинг кириб келиш шарт-шароитларини тадқиқ этади, уни шахсан сиёсий муносабатларни ўрганиши қизиқтиради, у инсоннинг сиёсатда “иштирок этиши излари”ни ўрнатишга ҳаракат қилади.

СИЁСАТШУНОСЛИК

Сиёсат, унинг доимий ҳаракатини, туб моҳиятини, сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар технологиясини ўрганувчи фан

Сиёсатшуносликнинг асосий тузилиши

Предмет

Объект

Мазмун


*Категориялар
(қонуниятлар)*

Вазифалар


Усуллар

Тамойиллар

Қонуниятлар



**СИЁСАТШУНОСЛИКДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУШУНЧАЛАР**




**СИЁСАТШУНОСЛИК
НИНГ
АСОСИЙ
ҚОНУНИЯТЛАРИ**


*Сиёсий манфаатлар, сиёсий қарашлар,
сиёсий назариялар таркиб топшиши,
функционаллашуви ва ривожланиши
қонуниятлари*

*Сиёсий ҳокимиятнинг мазмуни,
характерининг ўзгариб бориши,
функционаллашуви қонуниятларининг
шаклланиши*

*Сиёсий жараёнлар
функционаллашуви ва
ривожланиши
қонуниятлари*

ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИ





ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИЁСИЙ ФАҲЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ БОСКИЧЛАРИ

Ҳозирги замон сиёсий фаҳларнинг шаклланиши. (XIX аср охири – XX аср 40- йиллар охири)

Асосий диққат эътибор – сиёсий ҳокимият ва унинг ижтимоий асослари муаммоларини тадқиқ этишга

Манфаатдор гурӯҳлар назарияси
(А. Бенгли)

Элита назарияси. (В. Парето)

Давлатнинг социологик назарияси.
(М. Вейбер)

Ҳокимиятнинг олигархия назарияси.
(Р. Махельс)

Ҳокимиятнинг психологик руҳийлик назарияси. (Л. Лоуэлл)

Сиёсатишунослик тадқиқотлари соҳасининг фаол кенгайиши. (XX аср 40- йиллар охири, 70-йилларнинг иккинчи

Сиёсий ҳаётни, демократияни, давлатнинг ижтимоий сиёсатини эркинлаштириш муаммолари томон

Демократиянинг янги назарияси.
(И. Шумпетер)

Демократиянинг кўп фикрлик назарияси. (Р. Даль)

Демократиянинг партисипатор назарияси. (К. Макферсон. Ж. Вольф.

Фаровонлик давлати концепцияси

Сиёсий фаҳлар ривожининг янги парадигмани излаш. (XX аср 70- йиллар ўрталари - ҳозирги кунга қадар)

Ғарб жамияти назарий моделлари ва ҳокимият концепциялари тараққий эти ҳозирги босқичини асослаш.

Ягона жаҳон давлатнинг фуқаролик концепцияси. (У. Кларк. П. Сон)

Постиндустриал (саноат ривожин билан қўшилиб кетди) жамият концепцияси.
(Р. Арон. З. Бжезинский)

Информацион жамият концепцияси.
(О. Тоффелер. Ж. Нейсбит. Е. Масуда)

Миллий манфаат концепцияси.
(Г. Моргентхау)

Элитар демократия назарияси.

Ҳокимиятнинг зўрлик назарияси.

СИЁСИЙ ПРОГНОЗЛАШ

Сиёсий прогноз (олдидан айтиб бериш)

Сиёсатда ҳаракат қилувчи куч ва оқимларнинг ўзаро ҳаракатини баҳолашга, реал фактларни таҳлил қилиш ва таққослаш асосида амалга ошириладиган, келажакни олдидан айта билладиган тушунча политологияда прогноз деб айтилади. Прогнозда у ёки бу воқеанинг бошланиш имконияти кўрсатилади ва унинг эҳтимоллигига (бўлиш-бўлмаглигига) миқдорий баҳо берилади.

Ҳозирги замон сиёсий прогноз бериши тажрибаси унинг мақсад ва йўналишлари, муддатлари, асослари, инструментлари бўйича турли-тумандир.

Сиёсий фаолиятнинг асосий масалаларида мос равишда прогнозлар халқаро муносабатларнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиши мумкин; бўлиши мумкин бўлган халқаро зиддиятлар эволюциясини ва келиб чиқиши механизмини билиш; сайлов кампанияларининг оқибатини олдидан айтиб бериш; у ёки бу мамлакатдаги асосий сиёсий кучларнинг таъсир кўрсатиш динамикасини ўрнатиш; у ёки бу мамлакатда сиёсий лидернинг оммабоплиги даражасини ва унинг сиёсий вазиятни ўзгартиришга таъсирини аниқлаш; у ёки бу сиёсий қарорнинг бўлиши мумкин бўлган оқибатларини таҳлил қилиш ва б.

Муддатларга қараб прогнозлар қисқа муддатли (5 йилгача), ўртача муддатли (5 йилдан 15 йилгача) ва узоқ муддатли (30 йилгача) бўлади. Табиийки, муддатларнинг катталашуви муносабати билан олдидан айтилаётган воқеа ёки жараённинг эҳтимоллик даражаси пасаяди.

Сиёсий прогноз беришнинг асослари турфа: бу статистик ахборотларнинг турли хил кўринишлари, социологик тадқиқот маълумотлари, ижтимоий фикр савол-жавоблари, оммавий ахборотвоситалари материллари, разведка маълумотлари, тарихий, психологик, иқтисодий, этнографик тадқиқотлар, сиёсий жараёнларнинг боришига таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисидаги барча билимлар.

Сиёмий прогноз беришнинг инструменти ўзига турли хил кўринишдаги анкеталарни, мазкур сўровлар орқали ижтимоий фикрни баҳолашнинг сифатли ва миқдорий методлари, муалифлари сиёсий ўзгаришлар ритмларини иқтисодий, демографик, физик, биологик, геохимик жараёнлар билан боғлашга уринаётган олдидан айтиб беришнинг махсус тизимларини қамраб олади.

Катта миқдордаги маълумотларни ишлаб чиқиш учун замонавий ҳисоблаш техникаси, махсус математик аппарат ишлатилади, албатта бунда

турли хил информацияларни умумлаштиришнинг воситаси сифатида уларнинг самарадорлиги равшан.

Сиёсий прогноз музиш ўзида ҳаракатларни босқичма-босқич тизимини намоён этади, улардан қуйидагилари ажратиб кўрсатилади:

- сиёсий тизимга мос келувчи структуравий таҳлил, унинг таркибий қисмларини ажратиш, алоқалар характерини аниқлаш, улар ўртасидаги боғлиқни аниқлаш;
- асосий омилларни танлаш, миқдорий ифодалаш, уларнинг аҳамиятини таққослаш;
- жараёнлар тизимида ҳаракат қилувчи асосий тенденциялар, ўналишлар тараққиётини очиқ кўрсатамиз;
- бу жараёнларнинг экстраполяцияси (фикр билан келажакда давом этиш);
- траектория (бирон нарсанинг ҳаракат йўли)ларни ўзарот ҳаракатда таҳлил этиш;
- сиёсий тизим тараққиётининг комплекс прогнозини тузиш.

Сиёсатда прогнозлаш методлари

Сиёсатда прогнозлашда анъанавий тарзда экстраполяция методи кенг қўлланилади (у ёки бу ҳақиқий сиёсий жараёнларнинг келажакда фикран давом этиши). Бу методнинг қўлланилиши шунга асосланадики, кўпчилик сиёсий феноменлар – айнан жараёнлар, яъни ҳодисалар вақт билан чўзилади ва ўзининг ҳаракат траекториясига эга бўладики, уни фақат ўтган ва ҳозир бўлаётган воқеалар занжирини билиш билан аниқлаш мумкин.


Сиёсий прогнозлашда фаол қўлланиладиган методлардан бири – аналогия методи бўлиб, ўтмишда бўлиб ўтган у ёки бу воқеалар шартларининг ўхшашлиги асосида келажакдаги бўлиши мумкин бўлган воқеалар ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Айрим сиёсий феноменлар ва воқеаларни олдиндан айтиб бериш учун прогнозлашда аналогия методидан унумли фойдаланиш мумкин.

Сценарийлар методи. У келажакда эҳтимоли бўлган воқеаларни қандайдир бир минтақа ёки бутун дунё учун таърифлашни назарда тутди. Уни энг аввало, зиддиятли вазиятлар ривожланиши картинасини таърифлаш учун, сиёсий қарорларни тайёрлашда ишлатиш мумкин. Сценарийларни тузиш доим воқеалар ва уларнинг тарқалиши тенденцияларини баҳолаш билан боғлиқ бўлади, баҳолашда, ким уни қилаётган бўлса, ўша томондан феноменга нисбатан субъектив муносабатлар ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам айнан


бир ҳодисани прогнозлашга тааллуқли бўлган сценарийлар бир нечта бўлиши мумкин.

Танлашни амалга ошириш, у ёки бу сценарийни мақбул деб топиш прогнозлаш фаолиятига яна бир процедурани – эксперт баҳолашни қўшишни талаб қилади. Эксперт баҳолаши тегишли билим ва малакага эга бўлган, прогноزلанаётган соҳадаги конкрет муаммолар бўйича катта тажрибага эга бўлган, уларнинг шу соҳадаги фаолияти кўпчилик томонидан эътироф этилган кишилар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Моделлаштириш методи. Мазкур метод сиёсий таҳлил қилишда ва прогнозлашда фавқулодда фойдали ҳисобланади. Бу метод асосида сиёсий муносабатларнинг келажакдаги ҳолати объектнинг шартли образларини ташкил этиш йўли билан аниқланади (шартли образлар – математик формула, функция, график, схема, карта бўлиши мумкин).



СИЁСИЙ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШ



**ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШ
ЖИХОЗЛАРИ**

*Олдиндан айтиб беришнинг юқори
сифатли бўлишини таъминловчи
ташкиллий-техник элементлар
tizими*


*Принциплар – қоидалар (риоя қилиниши
олдиндан айтиб беришнинг
самарадорлигини таъминловчи
талаблар тизими)*

*Олдиндан айтиб беришни амалга
ошириш ва ишлаб чиқаришнинг
манتيқий изчиллиги*

*Усуллар (қоидаларни амалга ошириш
усуллари)*



*Олдиндан айтиб беришни амалга
ошириш воситалари*

Асосий элементлар




СИЁСИЙ ПРОГНОЗЛАШ (ОЛДИНДАН БИЛИШ)

Келажакдаги сиёсий воқеалар тараққиётининг мумкин бўлган вариантлари, муқобил йўллари ва уни амалга ошириш муддатлари, шунингдек, хозирги воқелик шароитларида амалий фаолият учун аниқ тавсияларни белгилаб бериш тўғрисида илмий асосланган фикрларни ишлаб чиқиш жараёни




СИЁСИЙ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ


Ахборот (информатика) асосий белгилари бўйича



СИЁСИЙ ОЛДИНДАН БИЛИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ТАЙИНЛАНИШИ



СИЁСИЙ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



ҚИЁСИЙ ПОЛИТОЛОГИЯ

Қиёсий политология – сиёсий фикр йўналишларидан бири бўлиб, сиёсий фаннинг махсус қисми сифатида шаклланган, сиёсий билимлар ва тадқиқотларнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади.

Энг умумий маънода қиёсий политологияни сиёсий ҳодисаларга қиёсий ёндашувини ифодаловчи политологиянинг усули сифатида қараш мумкин.


Қиёсий политология антик дунёда Платон, Аристотель ва бошқа мутафаккирлар томонидан қўлланилган. Мазкур услуб(метод) бир хил типдаги сиёсий ҳодисаларни, масалалар, сиёсий тизимларни, сиёсий тартиботларни, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни, манфаатдор гуруҳларни, сайлов тизимини, бир хил функцияларни амалга оширишнинг турлича усулларини умумий ва хусусий жиҳатларини, хусусиятларини, белгиларини юзага чиқариш, вазифаларни ҳал қилишнинг оптимал йўллариини ёки сиёсий ташкилотнинг янада самаралироқ шаклларини излаб топиш мақсадида таққослаштиришни мўлжаллайди.

Қиёсий услубнинг қўлланилиши тадқиқотчининг дунёқарашини кенгайтиради, бошқа халқлар ва мамлакатлар тажрибаларидан унумли фойдаланишга кўмаклашади, беғоналарнинг хатоларини ўрганишга имкон беради ва давлат қурулишида “велосипед ихтиро қилиш “ заруратидан халос этади. Давлат ва жамиятни ислоҳ этиш шароитларида бу услубдан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.


Сиёсий политология ўзининг назарий усул ва воситалари ёрдамида ҳокимият институтларини, реал сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил этишни амалга оширишга кўмаклашади. Турли жамиятларда ҳокимиятнинг тақсимланиши ҳамма вақт ҳам амалий жиҳатдан сиёсий тадқиқотларда таққослаш объекти бўлиб хизмат қилади.

ҚИЁСИЙ ПОЛИТОЛОГИЯ. (КОМПАРАТИВИСТИКА)

Бошқарув ва ҳокимият механизмлари самардорлигини оширадиган, сиёсий тизимлар ва омиллар амал қилишининг барқарорлиги шартларини, жамият ижтимоий ҳаёти сиёсий соҳалари ривожланиши тенденциялари ва умумий қонуниятларини кенг фактик материаллар асосида умулаштирувчи ва қиёсловчи политологиянинг махсус қисми.



ҚИЁСІЙ ПОЛИТОЛОГИЯ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ НАЗАРІЙ МАНБАЛАРИ



Д. Лернер. “Сиёсий тизимларни қиёсий таҳлил этиш. Дастлабки декларация” (1951-1952)
 Р. Макриде “Бошқарув тизимини қиёсий тадқиқ этиш” (1954)
 Р. Макриде “Сиёсатни қиёсий тадқиқ этиш” (1955)
 Г. Экстейн, Д.Ч.Аптер “Қиёсий политология: хрестоматия” (1963)
 Р. Макриде, Б.Браун “Қиёсий политология: ёзувлар ва маърузалар” (1964)
 З.Бжезинский, С.Хонтингтон “Сиёсий ҳокимият: АҚШ / СССР” (1964)

СИЁСАТ

Сиёсатнинг моҳияти ва унинг жамиятдаги роли

Сиёсат - уюшган ижтимоий гуруҳларнинг ва шахсларнинг, кишилар кўпчилиги оммасининг жамият ҳаётига тегишли бўлган муаммоларни ҳал қилишда давлат ишларида объектив шартлашилган ва мақсадга йўналтирилган иштирокидир.

Сиёсатнинг тавсифий жиҳатлари:

- хусусий ва умумийликнинг, шахс манфаати ва ижтимоий яхлитликнинг алоқаси (гуруҳлар, мамлакатлар, инсоният): биз фақатгина ўзимизнинг хусусий муаммоларимизни эмас, балки ўз шахсий манфаатларимиз доирасидан ташқаридаги вазифаларни бажариш учун сиёсат дунёсига чиқамиз, қайсики бу муаммолар билан жуда кўплаб бошқа одамлар ҳам шуғуллаётган бўлади.
- ҳар қандай сиёсат тури давлатнинг амал қилиши ва мавжудлиги муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқдир;
- кишилар оммаси кўпчилигининг манфаатлари ва ҳаракатлари боғлиқлиги;
- ҳушёр таҳлил заруратини мўлжаллайдиган, мақсадга йўналтирилган фаолият, сиёсий ҳаракатлар таркибий қисмлари ва шартлари турли хиллигин ҳисобга олиниши;
- ҳокимиятчилик характери, мажбур қилиш лаёқати, кўпчилигининг ҳаракатларига йўналтириш бериш учун иродавий таъсир кўрсатиш.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, юқорида қайд этилган сифатлар алоҳида-алоҳида бўлмасдан, бир-бирини тўлдириб туради: яъни сиёсатнинг ҳокимиятчилик характери давлат механизmidан фойдаланишни белгилаб беради; хусусий ва умумий манфаатларни бирлаштиришни амалга ошириш назарий шаклда бўлса, назарияни, дастурни амалга ошириш давлат механизмига мурожат этишни кўзда тутди.

Сиёсатнинг ижтимоий турмушдаги роли, унинг функциялари (вазифалари) билан белгиланади. Уларнинг орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- интеграция, ижтимоий ҳаётнинг барча элемент (унсур)ларини бирлаштириш, жамият манфаатлари ва умумий мақсадлар учун ижтимоий ресурсларни сафарбар этиш;
- ижтимоий табақаланиш рўй берган шароитларда умумий эркинликни, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий йўналишлари ва манфаатлар хилма-хиллигини амалга ошириш;

– асосий ижтимоий қадриятларнинг авторитар тақсмотини амалга ошириш.

Сиёсатда мақсад ва воситалар

Сиёсат ўз табиатига кўра муайян мақсадларга эришиш учун тегишли воситалардан фойдаланувчи мақсадга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Сиёсатда мақсад – бу идеал, хохиший натижа бўлиб, бунинг учун сиёсий фаолият амалга оширилади.

Сиёсатда мақсадларни классификация қилиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

1) уларнинг аҳамиятига кўра: умумий (ялпи фаровонликка эришиш, ялпи тинчликка эришиш) ва хусусий (халқ ишончи ҳукуматини шакллантириш);

2) сиёсатнинг мазмунига кўра: ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, экологик, сиёсий-ҳуқуқий ва ҳ. ;

3) навбатига кўра: яқинроқ, оралик, янада узоқроқ, охириги (аниқ сиёсий жараён учун) ;

4) сиёсий фаолият соҳасига кўра: ички (ички давлат) ва ташқи (халқаро).

Сиёсатда воситалар мақсадларга эришиш инструментини, идеал интилишларни реал ҳаракат ва натижаларга айланишини назарда тутди. Бу сиёсат ва ҳокимиятни амалга ошириш, уларда жамият ёки қандайдир сиёсий кучлар манфаатлари учун фойдаланиш имкониятларининг йиғиндисидир.


Кўпинча сиёсий ҳаётда забастовкалар, ташвиқот кампаниялари, кўролли ҳаракатлар, оммабоплик ваъдалари, сиёсий муҳолифатни танқид, одамларни кўрқитиш, митинглар, намойишлар, сайловлар, референдумлар, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, анъаналар ва бошқалардан фойдаланилади. Улар одатда қаттиқ (ҳаддан ташқари), тезлик, зудлик билан, оралик босқичларда тўхтовсиз кутилган натижани олиш ва юмшоқ (мўътадил), унинг ишлатилиши натижасида кўплаб оралик натижаларни беради, кўп вақтни талаб этади, кучли зиддиятларни келтириб чиқармайди.

Мақсадлар ва воситалар ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзига хос ўзаро ҳаракат мавжуд. Бир томондан, мақсад кўпинча фойдаланилган воситаларни белгилаб беради, иккинчи томондан, воситалар, эришилган натижага таъсир этиб, мақсадларнинг реал (аниқ) ёки утопик (хаёлий) лигини аниқлайди, унинг асосий параметрларини тузатади, ҳаттоки бугунги кунда эришиб бўлмайдиган идеаллардан воз кечишгача боради.

Аммо сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун ҳар қандай восита ҳам мақбул бўлавермайди. Амалга ошириш, эришиш ноинсоний ҳаракатлар ёрдами билан бўладиган мақсадлардан воз кечиш керак.

СИЁСАТ

Қатта ижтимоий гуруҳлар (синфлар, миллатлар, давлатлар) ўртасидаги муносабатлар соҳасидаги, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик талаблари ва эҳтиёжларини рўёбга чиқариш манфаатларида сиёсий ҳокимиятнинг ўрнатилиши ва амал қилиши буйича фаолият



СИЁСИЙ МАНФААТ

Кишиларни муайян сиёсий мақсадларни қўйишига разбатлантирувчи ва уларга эришиши юзасидан аниқ сиёсий ҳаракатларни рўёбга чиқарувчи ички, англаб етилган сиёсий хулқ манбаини ўзида мужассамлаштиради.

СИЁСАТ- НИНГ ТУЗИЛИ- ШИ

СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

Ҳокимият институтларининг ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқадорликдаги қатъий хусусиятини ифодалайди.

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ


Ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш марказларини оммавий ҳокимият институтларининг роли сифатида ифодалайди.

СИЁСИЙ ОНГ


Сиёсий ҳаётни кишиларнинг англаб етилган муносабатларига ўзларининг муҳим манфаатларига қарамлигини тавсифлайди.

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ


Субъектлар ижтимоий фаоллигининг турли кўри-нишлари бўлиб, уларнинг ҳаракати ўзларининг сиёсий мақомларини улар томонидан амалга оширишни ифодалайди.




СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ




С И Ё С А Т



Ўзига хослик



Сиёсатни тушунтиришнинг асосий парадигмалари (ёндашувлари)



Теологик
Сиёсат ва ҳокимият мавжудлигини ҳаддан ташқари табиий изоҳлаш.

Натуралистик
Сиёсат табиати қуйидаги таъсирлардан келиб чиқади:

Ташқи табиий муҳит.	Тирлик табиат хусусияти.	Инсонни сифати.
Географ. ёндашув.	Биологик ёндашув.	Рухий ёндашув.

Социал (ижтимоий)
Сиёсат - сиёсий субъектнинг ижтимоий-маданый хусусияти, ижтимоий турмушнинг бошқа соҳалари ҳаракати орқали тавсифланади.

Рационал танқидлар
Сиёсат, унга нисбатан ташқи бўлмаган омиллар билан эмас, балки ички сабаблар, ўзига хосликлар, элементлар билан тушунирилади.

СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР, ҒОЯЛАР ВА ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Антик даврнинг сиёсий тафаккури

Сиёсий фикр Қадимги Греция ва Қадимги Римда шиддатли сиёсий ҳаётни назарий жиҳатдан умумлаштириш шакли сифатида ривожланди. Полис демократияси институтларининг амал қилиши, унда фуқароларнинг фаол иштироки, сиёсий қарама-қаршиликларни ҳал қилиш механизмининг мавжудлиги, жамиятда бирликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги тасавурларнинг борлиги. Бундай ғоялар, фикрлар ҳозиргача ҳам ўз ахамиятини йўқотмаган.

Буюк грек файласуфи Платон (э.р.авв.427-347йй.) ўзининг асарларида (“Давлат”, “Сиёсат”, “Қонунлар”) давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида қизиқарли ривоятларни яратди: ҳар бир киши ўзининг эҳтиёжини ёлғизликда қондира олмаслиги ва ўзгаларнинг ёрдамига муҳтожлиги туфайли давлат келиб чиққан.

У идеал давлат тўғрисидаги тасавурни шакллантиради, яъни реал мавжуд бўлмаган ва қуйидаги хусусиятлардаги давлат:бу ерда ҳокимият лаёқатли кишиларга тегишли, ижтимоий иерархия (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга бўйсунуш тартиби)нинг мавжудлиги ҳокимият ваколатларининг тенгсизлигида ифодаланади; бундай давлатда сиёсий муносабатлар адолат принципига бўйсунди, яъни Платонинг фикрича, бунинг мазмуни - ҳар ким белгиланган мажбуриятни бажаради ва шунинг учун тақдирланади; истеъмол тенглиги принципи сифатидаги “Коммунизм” юқори синфларда амалга оширилади ва қуйи синфлар олдида улар жипслигини сақлашнинг шарти бўлиб хизмат қилади.

Платон ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган давлат тузилишининг реал типларига тавсиф беради: тимократия – шухратпараслар ҳокимияти; олигархия - озчиликнинг кўпчилик устидан ҳукмронлиги; демократия –кўпчиликнинг ҳокимияти (бойлар ва камбағаллар ўртасидаги қарама –қаршиликни кескинлашувини мазкур шаклнинг камчиликларидан бири сифатида эътироф этади); тирания – бир кишининг ҳамма устидан ҳукмронлиги (Платоннинг эътироф этишича бошқарувнинг ёмонроқ кўриниши).

Яна бир грек файласуфи Аристотель(э.р.ав.384-322 йй.) ўзининг “Сиёсат”, “Афина политияси”, “Этика” каби асарларида сиёсий ҳаётнинг турли масалаларини тадқиқ этади. У давлат тузулиши шакллари тўғри (монархия, аристократия, полития – бунда ҳокимият умумий фаровонлик йўлида амалга

оширилади) ва нотўғри (тирания, олигархия, демократия – бунда ҳокимият механизми кимлар ҳукмронлик қилса, ўшаларнинг манфаатларига бўйсунди)га ажратади. Аристократия ва демократия сифатларини ўзида мужассамлаштирган политияни Аристотель давлат тузулишининг энг маъқул типи деб ҳисоблайди.


Ижтимоий силкинишларнинг асоси сифатида мулкый тенгсизликни кўрсатар экан, файласуф сиёсий жараёнларнинг ижтимоий томонига диққатини қаратади.

Аристотель томонидан “ўрта элемент(унсур)” назарияси яратилган бўлиб, унга кўра бой ҳам бўлмаган, камбағал ҳам бўлмаган, ўзининг жамиятдаги ўрни ва мустақиллиги, эркинлиги билан жамиятни ижтимоий силкинишлардан сақлаб тура оладиган табақалар жамияти илгари сурилади. Бу ғоя ҳозирги замонда кенг тарқалган “ўрта синф” назариясининг асосини ташкил этади.

Буюк рим мутафаккири, нотик, сиёсий арбоб бўлган Марк Туллий Цицерон (эр.ав.106-43 йй)нинг кўпгина ғоялари ҳам бугунги кун учун дол-зарб саналади.

Аристотелнинг изидан бориб, у ҳам ўзида демократия ва аристократия хусусиятларини мужассамлаштирган бошқарув шаклини мақбул деб ҳисоблади. ”Сайланадиган лавозимларга даъвогарлар учун қисқача кўлланма” деб номланган асарида Цицерон ҳозирги замон сиёсий амалиётида қўлланиши лозим бўлган жуда кўп фойдали маслаҳатларини ёзиб қолдирган.

СИЁСІЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ



АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ
873 й. ФОРОБ. – 950 й. ДАМАШҚ

Асарлари – “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Бахт – саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Буюк кишиларнинг нақллари”, “Фуқаролик сиёсати”, “Қонунлар ҳақида китоб”.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари файласуфлари орасида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди.

Ўрта аср шароитида жамият табиий равишида келиб чиққанлигини асослаб берди

– “Ҳақиқий бахтга эришиши учун ҳаракат қилувчи, ўзаро ёрдам қилувчи, халқини бирлаштирган шаҳар – фозил шаҳардир”;

– “Давлатни идора этувчи шахс ўзининг фазилати ва хулқ одоби билан ажралаиб туриши керак”

Инсон кадр-қимматини камситувчи ва ўзга мамлакатларни босиб олишга асосланган жамиятга қарши чикди.

Инсон фақат бошқалар ёрдамида ҳаёт қийинчиликларига қарши кураша олиши мумкинлигини асослаб берди

– Фозил шаҳарлар юқори маданиятли бўлади. Унда яшайдиган халқ ўзи истаган касб-ҳунарни эгаллайди.

Бундай жамиятда тўла эркинлик ва тенг ҳужуқлик ҳукм суради”;

– “Шаҳарлар инсонларнинг жамоа бўлиб уюшишни олий шакли бўлиб, унда инсоний баркамол бўлиб етишиши учун зарурий шароитлар бўлади”;

– Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос – инсонийликдир”.

**НИЗОМУЛМУЛКНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ
(АБУ АЛИ АЛ-ҲАСАН ИБН АЛИ ИБН ИСҲОҚ АТ-ТУСИЙ)
(1017 й. ТУС – 1092 й. НАҲОВАНД)**

Салжүкүйлар давлати арбоби. Салжүкүй шоҳ Алп Арслон, ўгли Маликишоҳ саройида вазир бўлган. Давлатни бошқариш ишларини марказлаштириш сиёсатини ўтказган. 1091 йида “Сиёсатнома” (“Сияр-ул-мулк”) асарини ёзган.

“ С и ё с а т н о м а ” а с а р и д а

Давлат бошқарувида оид қоида ва қонунлар

Қози ва қозихона ишлари

Соқчи ва посбонлар вазифалари

Почта ва разведка ишлари

Солиқ ва хирож масалалари

Бошқарув усули ва воситалари

Қўшин ва сарбозлар фаолияти

Хизматчи ва шахсий сарбозлар вазифалари

Саройнинг сарф-харажатлари

Закот ва вақф масалалари

ё р и т и б б е р и л г а н

А с о с и й ғ о я с и

- шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга;
- сулҳ ва мурувватга;
- давлатни оқилона бошқаришга;
- қатъий қоида ва тартиб ўрнатилшига;
- амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишига;
- мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишига даъват этишидир.

**АЛИШЕР НАВОИ (1441-1501)
БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ, МУТАФАККИР, ДАВЛАТ АРБОБИ**

Асарлари

«Хазойин ул-маоний»

Инсон боласининг мураккаб ва юксак тафаккури ҳамда беҳисоб туйғулари ифодаланган

«Хамса»

Исломотафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги фикрлар илгари сурилган

«Вақфия»

Султон Ҳусайн Бойқаро (XV аср) даври давлат тизими, давлат бошқаруви, бу бошқарувда Навоийнинг ўрни, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, ахлоқий фикрлари ёритилган

«Лисон ут-тайр»

Бош зоя, муаммо тасаввуфдаги имон, эътиқод ва маънавият масалаларини таҳлил этишдан иборат

«Махбуб ул-қулуб»

Ўзи яшаган даврдаги ҳар бир табақа вакилларининг яхши, ёмон ишлари, ҳаёти, ахлоқи ва вазифалари ҳақида панд-насихатлар берилган

“Тарихи мулуки Ажам”
“Тарихи анбиё ва Ҳукамо”

Султон Ҳусайн Бойқаро даври ижтимоий-сиёсий тарихига бағишланган

“Одамий эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”

“Адолат била элни қил баҳраманд
Ки, яхшига кетсун ёмондин базанд”

АХМАД ДОНИШ (1826-1897)

Ёзувчи, рассом, ҳаттот, олим, маърифатпарвар. XIX асрда Бухоро таъриқийпарвар муҳитининг вужудга келишида муҳим ўрин тутган.

1857, 1869, 1873-йилларда Бухоро амири элчиларининг мирзаси бўлиб, Россия (Петрбург)га борган.

“Наводир ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”, “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро” (Бухоро амирларининг таржмаи ҳоллари), “Манозур ул-кавокиб” (“Сайёраларнинг жойлашишлари”), “Рисолаи дар назми тамаддун таовун” (Маданият ва жамият тартиби” ҳақида рисола

Подшоҳ бўлиш, халқ устидан ҳукмронлик қилиш ҳаёт оламида энг улуғ ишлардандир. Шундай бўлгач, бу хизматни подшоҳ илм ва амал билангина бажара олади

Ҳар бир ҳукмдор ҳоқимиятни бошқаришида фуқароларга эътиборли бўлиши, ҳар қандай муаммонини ҳал қилишида авваламбор, ўзини оддий фуқаро ўрнига қўйиб кўрсин, ишондагина у ўз вазифасига хиёнат қилмаган ҳисобланади

Давлат бошқаруви масалалари тўғрисидаги ғоялари

Ҳукмдор фақат ибодат билан машғул бўлмасдан, халқнинг турмуши тўғрисида ҳам қайғурсин. Унга мувофиқат қилган ҳар қандай фуқарони, аввало тинглаб, ҳождатини чиқарсин, зеро бировларнинг ҳождатини чиқариш ҳар қандай ибодатдан афзалдир

Ҳукмдорлар нафс балосидан ўзларини тийсинлар, қийматбаҳо кийимлар кийишдан ўзларини сақласинлар, акс ҳолда ҳукмдор нафсга, ортиқча ҳаю-ҳавасга ружу қўйса, у нафсини қулга айланиб, жамиятга зарардан бошқа нарса келтирмайди

Одамлар устидан ҳукм чиқаришида, аввало халқ тақдирини ўйлаб, улар билан мулоқотда босиқлик билан мулоийм муомалада бўлишлари лозим. Зеро, қўполлик, дағаллик, нотисандлик, ҳар қандай ҳукмдорни жсар ёқасига олиб бориб қўйиши муҳаррар

Киши ўз ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина, у ҳар доим барҳаётдир.

ЖОН ЛОКК (1632-1704)

Инглиз файласуфи ва сиёсатчиси

Либерализмнинг асосчиси

Ижтимоий-сиёсий концепцияси «бошқарув ҳақида икки трактат» асарида баён этилган

Асосий қондалар

Давлат ва жамият устунлиги

Кишилар ўзларининг туғма ҳуқуқларини бир қисмидан воз кечиб, ўзаро ижтимоий шартномани имзолашга, яъни фуқаролик жамиятини ташкил этишга лаёқатлидир

Давлат табиий ҳуқуқнинг кафолатидир

Давлат кучли шахс бўлиши мумкин эмас, негаки шахслар жамиятни ташкил этади, жамият эса давлатни

Жамият ва давлат бир нарсга эмас, шунинг учун давлатнинг тугатилиши жамиятнинг емирилишини англатмайди.

Агар мавжуд ҳокимият уни қониқтирмайди, жамият янада яхшироқ, бошқа ҳокимиятни ташкил этишга қодир

Табиий ҳолат ғояси

Ўз шахси ва мол мулкига эгаллик қилиши ва тасарруф этиши муносабатида тўла эркинлик ҳолати

Мол-мулкка эгаллик ҳуқуқи

Ҳар қандай ҳокимият ва ҳар қандай ҳуқуқ ўзаро боғлиқликда ҳисобланган тенглик ҳолати

Табиий ҳуқуқ бегоналаштирилмайди

Умумий тенглик шароитларида кишилар ҳар доим ҳам адолатнинг овозига қулоқ солавермайдилар, шу боис кишиларнинг эркинлиги ва мол-мулкига тазовуз бўлиши мумкин

Ҳокимият бўлинишининг зарурияти

Қонун чиқарувчи

Иттифоқ (ташқи сиёсат соҳаси)


Бошқа ҳокимиятлар билан анча муҳимроқ таъсир кўрсатади


Ижроия

СУД

Эркинликларни кафолатлаш ва амалга ошириш, ҳамма учун тенг, мажбурий ва доимий қонун.

Давлат ҳуқуқ қоидаларига бўйсундирилган. Ҳуқуқ жамиятнинг барқарор асосига айланди.






**ЖОН СТЮАРТ
МИЛЛЬ
(1806 - 1873)**


Инглиз файласуфи,
иқтисодчиси ва давлат арбоби


Янги замоннинг либерал
гояларини ифодалаган


Асосий асарлари: “Вакиллик бошқаруви ҳақида”
фикрлар (“Эркинлик тўғрисида”)



ФЕРДИНАНД ПАССОЛЬ (1825 - 1864)








**ЭМИЛЬ
ДЮРКГЕЙМ
(1858-1917)**

Француз ижтимоийлик мактаби бошлиги, файласуф, 1902 йилдан Сорбонна университети профессори

“Ижтимоий меҳнат” тақсимоли ҳақида” (1893) “Социология методи” (1899) “Диний ҳаётнинг элементар шакллари” (1912)

“Ижтимоий ҳамкорлик” назарияси муаллифларидан бири, сиёсатни ижтимоий асослаш учун кўп ишлар қилди.

А с о с и й қ о и д л а р



ГЕОРГИЙ ВАЛЕНТИНОВИЧ ПЛЕХАНОВ

Ҳарбий гимназияни тугатган. Петербург тоғ-кончилиқ институтини битирган. Энциклопедик маълумотга эга олим, тарих, иқтисодиёт, социология, сиёсат, дин соҳасида тадқиқот олиб борган. Ёрқин рус файласуфи ва публицисти.

Марксизм тарғиботчилари ва назарётчиларидан бири, рус ва халқаро социал-демократик ҳаракатининг намояндаси.

«Социализм ва сиёсий кураш» (1883);
«Бизнинг ифтихорларимиз» (1885);
«Тарихга монийлик билан қарашни ривожлантириш масалаларига доир» (1895)
«Материализм тарихи бўйича очерк» (1896);
«Тарихда шахснинг роли тўғрисидаги масалага доир» (1898).

Ижтимоий тараққиётни таҳлили учун асос - Маркснинг диалектик материализмига асосланадиган сиёсий фаласафа.

Ижтимоий (социал) инқилобнинг қонуниятини тўғрисида хулоса чиқарган.

Ҳуқуқий тайёр бўлмастлик.

Қишлоқ буржуазияси ва олий табақа қарама-қаршилиги.

Халқни унинг ташиқлий режаларига бепарволиги.

Ассосий қондалар

Россия тараққиётининг ўзига хоослигини рад этган.

Ғарбий Европа мамлакатлари босиб ўтган йўлдан бориши керак.

Уни мағлубиятга учратиши учун ҳамма бирлашиши лозим.

Капиталистик ривожланиш йўлига кирган Россиянинг иқтисодий ўсишига деҳқонлар жамоаси ва мутлақ монархия халақит беради.

Рус инқилобий ҳаракатларининг турли йўналишлари билан курашда бирлашиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Мамлакатда иқтисодий муносабатларнинг ривожланмаганлиги.

Фитначчиликка, яқобинча инқилобга ва инқилобий социалистик партия томонидан зудлик билан ҳокимиятни босиб олишига қарши чиқади.

Ҳокимиятни зудлик билан босиб олиши зоясини йирик бахтсизлик деб ҳисоблади.

Бундай ҳолатда «Рус социалистик партиясининг шармандаларча мағлубияти

У шундай таъкилот ишини қўлга олишга мажбур бўладики, бунинг учун унда на куч, на шундай тушунмиш мавжуд бўлади.

ЧАРЛЬЗ МЕРРИАМ (1874-1953)

Америка сиёсий фанларини ва унинг бихевиористик йўналишини асосчиси

“Сиёсатнинг янги аспекти” (1925) “Овоз бермаслик: назоратини сабаблари ва усуллари” (1924)

Асосий қўшган улуши (ҳиссаси)

Сиёсий жараёнлар руҳий кўрсаткичларининг катта аҳамиятлилиги тўғрисидаги гоёни тарғиб этди.

Сиёсий тадқиқотларга таҳлилни янги, шу жумладан миқдорий усулларини тадбиқ этишга фаол ҳаракат қилди.

Асосий вазифа – сиёсий муаммоларни тадқиқ этишнинг шундай усулларини танлаш керакки, улар муаммоларни тушуниришига ва ҳал этишига кўмаклашсин.

Материални статистик ишлаш

Сиёсатни тадқиқ этишнинг ҳиссий (эмпирик) усулларини назарий асослади ва қўллади.

Ҳужжатларни ўрганиши

Сўров

Қўзатув


Сиёсий фанларни амалиёт билан, реал ҳаёт билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг зарурлигини қатъий туриб исботлади.


Илмий айланмага янги, махсус атамани киритди: “сиёсий оқилоналик” – сиёсатчиларнинг ўз бурчларига янада масъулият билан муносабатда бўлишлари учун

Америкача демократияни ҳимоя қилди


Сиёсий бошқарув шакли энг мақбул даражада инсоннинг табиий табиатига мос келади.

Инсоннинг ижодий имкониятларини очишга ва янги сиёсий муносабатлар типини ўрнаттишга олиб келади





ТОКОТ ПАРСОНС (1902 - 1979)



ГАРОЛЬД ЛАССУЭЛ (1902 - 1979)

Америкалик олим – сиёсатишунос,
Ч.Мерриамнинг шогирди ва издоши
Йель университетиди хуқуқ ва сиёсий
фанлар профессори

Америка сиёсий фанлари соҳасида энг
таниқтли мутахассис, сиёсий фанларни
ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатди,
сиёсий бихевиоризмнинг тарафдори

“Сиёсат: ким олади,
нима, қачон ва қандай
қилиб” (1936)

“Ижтимоий фикр воситалигидаги демократия” (1941)

Асосий қўшган улushi (ҳиссаи)

Сиёсатни тадқиқ
этишининг услубий
муаммоларини асослаб
берди

Фрейдча ёндашувдан
фойдаланди

Сиёсий руҳий таҳлил
назариясини яратди.

Шахснинг руҳий механизми
– индивиднинг сиёсатга
муносабатини шартли
қилиб қўлловчи муҳим
омилдир.

Сиёсий шахсларнинг
типологиясини тақлиф
энди

“Маъ-
мур”

“Тар-
гитот-
чи”

“Наза-
риёт-
чи”

“Аралаш тип” –органик
тарзда ўзига ҳамма яхши
сифатларни жамлаб олади

Унинг мақсади ва
объектларини аниқлаш

Келажакда бўлиши мум-
кин бўлган ўзгаришларни
белгилаш

Сиёсий ҳокимият ва унинг
жамиятда тақсимланиши
концепциясини яратди

Ҳокимият – сиёсий
фанларнинг марказий
категориясидир

Ҳокимиятнинг амал қилиши
жараёнида уларнинг
жамиятда тақсимланиши
қадрли ва харак-тери муҳим
пояль ўйинлидди

Сиёсий жараённи ўргана
туриб, зарур:

Қадриятларни
тақсимлашдаги
тенденцияларни
юзга чиқариш

Бу тенденцияларни
тушунтирувчи
шартларни очиб
берши

Сиёсий семантика
назариясини яратди

“Символик” (рамзий)
тафаккурнинг асоси

Сиёсий хулқ-атвор рефлекс-
ларини шакллантиради

Сиёсий етакчиларга ўз шахсий
манфаатларида электорат
хулқ-атворини
манитуллаштиришига имкон

Қадриятларга максимал эри-
шувга олиб келувчи ҳатти-
ҳаракат усулларини танлаш

Х А Н А А Р Е Н Д Т (1 9 0 6 - 1 9 7 5)

Сиёсатишунос, Кенигсберг шаҳрида яҳудий оиласида туғилган. Нацизмнинг кучайиб бориши муносабати билан аввал Францияга, кейин эса АКШга кўчиб ўтган.

Тоталитаризм назариясининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган.

«Тоталитаризмнинг бошланиши» (1951);
«Инқилоб тўғрисида» (1963)

А с о с и й қ о и д а л а р

Нацизм ва сталинизм-давлатнинг янги замонавий шаклидир деб таъкидлаган.

Тоталитаризм мамлакатнинг ичкарисид ва таиқарисид тотал ҳужмронликка интилади.

Тоталитаризмнинг характерли жиҳатлари.

Ягона мафкура

Террор

Тоталитаризмнинг пайдо бўлиш сабаблари.

Яҳудийларнинг ўзига хос сиёсий ва ижтимоий ҳолати антиисемитизмни келтириб чиқаради.

Ўзининг сиёсий ҳодисалар таҳлилига ёндашувини «перилсиз тафаккур» деб атаган.

Сиёсий тажриба оддий билимни катталаштириши ёки назарияни исботлашдан кўра анча муҳимроқ эканлигини қўсатишига ҳаракат қилган.

Империализм, эсаҳонни босиб олишига даъвогарликни ва ирқчилик ҳаракатни тугдирувчидир.

Кишиларнинг қатъий янги нарсани яратиш қобилиятига алоҳида эътибор берган.


Шунинг билан бирга, фуқароларнинг сиёсатда эркин иштироки олдиндан билиб бўлмайдиган ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.



Европа жамиятини кишилик жамиятига айлантириш, қайсиқим уллар ёлғиз ва қатъий йўналишсиз экан, уларни осонгина мафкура ёрдамида сафарбар этиши мумкин.


Эркин сиёсий назариясини яратишига урунган.

Инқилобнинг ҳақиқий, асл мақсади - кишиларни сиёсий ҳаракатларга жалб этиши, янги сиёсий тизимни яратиши ва уни абадийлаштириши.

Вакиллик демократиясидан кўра, юзма-юз турувчи, фуқаролар ташкилотлари федерациясига асосланган тизим анча маъқулроқдир.







ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ

Жамиятнинг сиёсий тизими тушунчаси ва тузулиши

Жамиятнинг сиёсий тизими – бу ҳуқуқ ва бошқа меъёрлар асосида йўлга қўйилган институтлар мажмуи бўлиб, (давлат органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва ҳ.к.), унинг доирасида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ётади ва сиёсий ҳокимият сиёсий тизим орқали амалга оширилади.

“Сиёсий тизим” тушунчаси сиёсий ҳокимиятнинг қандай шаклланишини ва амал қилишини, сиёсий жараёнлар қандай йўналишда тартибга солинишини кўрсатиб беради. Бу сиёсий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш механизмидир.

“Система” (тизим) тушунчаси политологияда сиёсий қарорларни қабул қилиш ва рўёбга чиқариш жараёнига у ёки бу даражада таъсир қилувчи барча ҳаракатлар ва тузилмаларни англатади.

Жамиятнинг ҳар қандай тизими, жумладан сиёсий тизим ҳам кўпчилик элемент (унсур)ларнинг тартибга солинишини, яхлитлигини намоён этади, қайсиқим уларнинг ўзаро ҳаракати янги сифатларни яратади. “Сиёсий система” (тизим) категорияси миллатлар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар сиёсий манфаатларини янада ойдинроқ тушунишга имкон беради.

Сиёсий тизим охир оқибатда давлат ҳокимиятидан фойдаланиш, унда иштирок этиш, унинг учун курашиш асосида ижтимоий гуруҳлар ўртасида ишлаб чиқариш ва фаровонликни тақсимлашни тартибга солади.

Сиёсий тизимнинг тузулиши (структураси):

- давлатни, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларни, меҳнат жамоаларини ўзида мужассамлаштирувчи жамиятнинг сиёсий ташкилоти;
- сиёсий ҳокимият ва сиёсий тизимнинг руҳий ва мафкуравий томонларини тавсифловчи сиёсий онг;
- жамият сиёсий ҳаётини ва сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий меъёрлар;
- сиёсий ҳокимият сабаби бўйича тизимнинг элементлари ўртасида жойлашган сиёсий муносабатлар;
- сиёсий фаолият ва сиёсий тажриба мажмуидан ташкил топган сиёсий амалиёт.

Сиёсий тизимнинг функциялари (вазифалари).

Жамият сиёсий тизимининг моҳияти, унинг функция (вазифа)ларида янада кенгрок ёритилган. Сиёсий тизимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Мазкур жамиятнинг кўпчилик аъзоларини ва муайян ижтимоий гуруҳларни сиёсий ҳокимиятини таъминлаш (ҳокимиятчилик аниқ шакл ва метод (усул)лари сиёсий тизим томонидан ўрнатилади ва амалга оширилади - демократик ва антидемократик, зўрлик ва зўрсизлик);

2. Аҳоли кўпчилигини ёки айрим ижтимоий гуруҳлар манфаатлари йўлида кишиларнинг ҳаёт фаолияти турли соҳаларини бошқариш, (бошқарувчи сифатида сиёсий тизимнинг ҳаракати ўз ичига жамият тараққиёти йўллари, вазифалари, мақсадларини белгилашни, сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ дстурини қамраб олади);

3. Бу мақсад ва вазифаларга эришиш учун зарур бўлган ресурс ва воситаларни сафарбар этиш (улкан ташкилий ишларсиз, кишиларсиз, моддий ва маънавий ресурсларсиз қўйилаг кўп вазифа ва мақсадларни амалга ошириш мумкин эмас);

4. Сиёсий муносабатларнинг турли субъектлари манфаатларини рўёбга чиқариш ва вакиллик (селекция – танлаш) сиз, мазкур манфаатларни сиёсий даражада аниқ таърифлаш ва ифодалашсиз ҳеч қандай сиёсат олиб бориш мумкин эмас;

5. Сиёсий муносабатларнинг турли субъектлари манфаатларини аниқ бир жамиятнинг у ёки бу идеалларига мос келувчи моддий ва маънавий қадриятларнинг тақсимланиш йўли билан қондириш (айнан кишилар турлича жамоалар манфаатлари тақсимлаш соҳасида тўқнашади) ;

6. Жамиятнинг интеграцияси (янгилашуви), унинг тузилмалари турли элементларнинг ўзаро ҳаракатда бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш (турлича сиёсий кучларни бирлаштирар экан, сиёсий тизим жамиятда юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф этишга, зиддиятларни ҳал этишга, манфаатлар ва интилишларнинг тўқнашувини олдини олишга ҳаракат қилади);

7. Сиёсий социаллашув (ижтимоийлашув). (Унинг воситасида индивиднинг сиёсий онги шаклланади ва у конкрет сиёсий механизмларнинг ишига “киришади”, натижада жамиятнинг барча янги аъзоларини тарбиялаш ва уларни сиёсий фаолиятга жалб этиш йўли билан сиёсий тизимнинг қайта ишлаб чиқариши содир бўлади);

8. Сиёсий ҳокимиятни эътироф этиш (муайян даражада реал сиёсий ҳаётни расман сиёсий ва ҳуқуқий меъёрларга мос келишига эришиш).

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСІЙ ТИЗИМИ

Турли сиёсий институтлар, ижтимоий – сиёсий бирликларни мураккаб, тармоқлашган шакллари йиғиндиси бўлиб, сиёсий ҳокимият улар ўртасида ўзаро муносабатлар ва ўзаро ҳаракатларда амалга оширилади.

Тизимли ёндашув

Структурали-функционал ёндашув

Ташиқи муҳит

«кириши»


Талаб,
қўллаб-
қувватлаш,
апатия.

Ички
Сиёсий
тизим
импульслар

«чиқиши»

Сиёсий
қарорлар ва
ҳаракатлар


ТЕСКАРИ
АЛОҚА





ИҚТИСОДИЙ
НЕГИЗ (БАЗИС)

СИЁСИЙ ТИЗИМЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ


Негизлар








ЖАМИЯТ СИЁСІЙ ТИЗИМИНИНГ МАФКУРАВІЙ ТУЗИЛМАСИ



**ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИ**


*Сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиши билан боғлиқ институтлар
(муассасалар, таъкилотлар) йиғиндиси*

ТУЗИЛИШИ




ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ КОММУНИКАТИВ ТУЗИЛМАСИ

Сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш муносабати билан сиёсий ҳокимиятнинг амалга ошириш ва ривожлантиришни таъминлашда қатнашишлари бўйича синфар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, индивидлар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ва ўзаро ҳаракатлар шакллари ва шакллари йиғиндиси





**ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИНИНГ
МАДАНИЙ ТУЗИЛМАСИ**

*Сиёсий тизимнинг интеграцияллаштирувчи омили, мавжуд жамият учун
типик бўлган комплекс, сиёсий тасаввурлар ва сиёсий хулқ-атворнинг
илдиз отган (стереотип) намуналари*





СИЁСИЙ ЖАРАЁН






ДЕМОКРАТИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ





**СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА СУБЪЕКТ - ОБЪЕКТ
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ**



СИЁСИЙ ТАРТИБОТЛАР, СИЁСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

Сиёсий тартибот (режим): тушунча ва белгилар.

Сиёсий тартибот – бу сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг воситалари, усуллари ва методлари тизимидир. Мазкур типдаги давлатнинг моҳиятида содир бўлувчи ҳар қандай ўзгаришлар энг аввало унинг тартиботида акс этади, у эса давлат тузилиши шаклига ва бошқарув шаклига таъсир этади.

Баъзи бир нуқтаи-назарга кўра, “сиёсий тартибот” ва “давлат тартиботи” тушунчаларини бир хил маънода баҳолаш мумкин.

Бошқа бир нуқтаи-назарга кўра, “сиёсий тартибот” тушунчаси “давлат тартиботи” тушунчасига нисбатан кенгроқ маънони англатади, зеро, у давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий ҳокимиятнинг услублари ва усулларинигина эмас, балки сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган сиёсий ҳокимиятнинг усул ва методларини ўзига сингдирган бўлади.

Сиёсий тартибот – бу сиёсий тизимнинг динамик, вазифавий (функционал) тавсифидир. “Сиёсий тартибот” ва “сиёсий тизим” категориялари ўзаро бир-бири билан яқиндан боғлиқдир. Биринчиси жамиятнинг сиёсий ҳаётида ва сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этувчи институтларнинг барча мажмуасини кўрсатса, иккинчиси – бу ҳокимиятнинг қандай амалга оширилишини, мазкур институтлар қандай ҳаракат қилишини (демократикми ёки нодемократикми?) кўрсатади.

Сиёсий тартибот тушунчаси ҳокимиятнинг асосий тизими тўғрисидаги тасаввурни шакллантириш учун муҳим саналади. Сиёсий тартиботдан келиб чиқиб, жамият сиёсий тузулишини ташкил этиш принципларининг ҳақиқий манзараси ҳақида фикр юритилади. Сиёсий тартибот ўз тарихий тараққиётининг аниқ бир даврида у ёки бу мамлакатда мавжуд бўлган асосий сиёсий вазиятни тавсифлайди.

Сиёсий тартиботнинг белгилари:

- сиёсий ҳокимиятни шакллантириш механизмларида халқнинг иштирок этиш даражаси, шунингдек бундай шакллантиришнинг услублари;
- давлат ҳуқуқлари билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нисбати;
- шахс ҳуқуқ ва эркинлигининг кафолатланганлиги;
- жамиятда ҳокимиятни амалга оширишнинг аниқ (реал) механизмларини тавсифи;

- сиёсий ҳокимиятни бевосита халқ томонидан амалга оширилиши даражаси;
- оммавий ахборот воситаларининг аҳволи, жамиятдаги ошкоралик даражаси ва давлат аппаратининг очик-ойдинлиги;
- жамият сиёсий тизимида нодавлат тузилмаларининг ўрни ва роли;
- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги нисбат;
- мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий тартибга солишнинг характери (рағбатлантирувчи, чекловчи) ;
- сиёсий ҳатти-ҳаракатнинг типи;
- сиёсий етакчилик (лидерлик)нинг характери;
- сиёсий қарорлар қабул қилинишида озчилик манфаатларининг ҳисобга олиниши;
- сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда муайян методларнинг устунлиги (ишонтириш, мажбурлов ва ҳоказо) ;
- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги даражаси;
- жамият ва ҳокимият ўзаро муносабатларининг принциплари (қоидалари);
- давлатнинг “куч ишлатувчи” тузилмаларининг жамиятдаги роли ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий ҳолати (армия, полиция, давлат хавфсизлик хизмати);
- сиёсий кўпфирлик, жумладан кўппартиявийлик ўлчови;
- мансабдор шахсларни, шу жумладан энг олий мансабдор шахсларни сиёсий ва ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг аниқ (реал) механизмларини мавжудлиги.

Демак, “сиёсий тартибот” категорияси, мазмунини ташкил этувчи асосий элементлар шулардан иборат.

Демократик тартибот.

Давлат ҳокимиятчилигининг воситалари ва методлари тўплами хусусиятларига боғлиқ равишда тартиботнинг икки қутиби ажратиб кўрсатилади – демократик ва антидемократик.

“Демократия” тушунчаси, маълумки, халқ ҳокимиятчилиги, халқ ҳокимияти маъносини англатади. Бироқ, бутун халқ сиёсий ҳокимиятни амалга оширганлиги билан боғлиқ вазият ҳанузгача бирон бир ерда рўёбга чиқмаган. Албатта, бу орзу, идеал бўлиб, ҳамма шунга ҳаракат қилиши керак. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, бир қатор давлатларда бу йўналишда анчагина ишлар қилинди (Германия, Франция, Швеция, АҚШ, Швейцария, Англия) ва бошқа давлатлар ҳам шунга интиломоқдалар.

Демократик тартибот белгилари:

- аҳолининг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга оширишда тўғридан-тўғри (референдум) восита ва вакиллик демократияси (сайланадиган вакиллик органи) орқали иштирок этиши;
- озчилик манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда кўпчилик томонидан қарорларнинг қабул қилиниши;
- фуқаролик жамиятининг ривожланган тузилмаси билан мавжудлиги;
- ҳуқуқий давлатни ҳақиқатда амалга ошириш;
- давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органларининг сайланиши ва алмаштирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисобот бериши;
- давлат ҳокимиятини эътироф этилиши, тан олинishi;
- “куч ишлатувчи” тузилмалар (қуроли кучлар, полиция, давлат хавфсизлиги органи) жамиятнинг демократик назорати остида бўлади, фақатгина тўғридан-тўғри тайинланган тақдирда фойдаланилади, уларнинг фаолияти қонунлар билан тартибга солинади;
- ишонтириш, маслаҳатлашиш, келишиш методларининг устунлиги, куч ишлатиш, мажбурлаш, чора кўриш методларининг қисиб қўйилиши;
- ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг ҳукмронлик қилиши;
- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилиниши ҳамда реал таъминланиши;
- хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга нисбатан “қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсани қилиш мумкин” принципининг амал қилиши;
- сиёсий кўпфирлилик (плюрализм), шу жумладан кўппартиявийлик, сиёсий партияларнинг мусобақа қилиши, парламентда ва ундан ташқари қонун асосларида сиёсий муҳолифат (оппозиция)нинг мавжудлиги (муҳолифат муқобил дастурни илгари суради, содир қилинган хатолар учун ҳокимиятни танқид қилади, ўзининг матбуоти, парламентдаги блоklar ва фракциялар орқали уни назорат қилади);
- ошкоралик, оммавий ахборот воситаларининг цензурадан озодлиги;
- ҳокимиятнинг бўлиниши принципининг амалда, яъни қонун чиқарувчи (қонун қабул қилиш, жамият тараққиёти стратегиясини шакллантириш), ижро этувчи (қабул қилинган қонунларни амалга ошириш, уларни турмушга тадбиқ этиш, давлатнинг кундалик сиёсатини юргизиш), суд ҳокимиятига (зиддиятлар чиққанда, турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилганда ҳакамлик қилиш) бўлинишининг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда, демократик сиёсий тартиботнинг авторитар ва тоталитар тартиботдан фарқ қиладиган жузъий хусусиятлари шулардан иборат. Юқорида қайд этилганларни билиш муҳим аҳамиятга молик бўлиб, сиёсий

ҳокимиятни амалга оширишнинг воситалари, усуллари ва методлари тизимини баҳолашда аниқ йўллантиришга ёрдам беради.

Авторитар тартибот.

Авторитар тартиботни ўзига хос равишда тоталитар ва демократик тартибот ўртасидаги “компромисс” (“келишув”) сифатида қараб чиқиш мумкин. Бу тартибот бир томондан тоталитаризмга нисбатан юмшоқроқ, либералроқ бўлса, иккинчи томондан, демократик тартиботга нисбатан қаттиқроқ, ноҳалқчилроқдир.

Авторитар тартибот – жамиятнинг давлат сиёсий тузилиши бўлиб, унда халқнинг минимал (энг кам) миқдорда иштироки асосида сиёсий ҳокимиятнинг конкрет шахс (синф, партия, элита гуруҳи ва х.) томонидан амалга оширилишидир. Мазкур тартиботнинг бош таснифини ижтимоий муносабатлар турли хиллигининг, ҳокимиятчилик ва бошқарувнинг методи сифатидаги авторитаризм ташкил этади. (Испания – Франко ҳукмронлиги даврида, Чили – Пиночет ҳокимияти даврида).

Авторитар сиёсий тартиботнинг белгилари:

- бир вақтнинг ўзида халқнинг, давлат ҳокимиятининг реал ричагларидан бегоналашувида, марказ ва жойларда ҳокимиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир неча органлар қошида марказлашуви содир бўлиши;
- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи назарга олинмайди (кўпинча президент, ижро этувчи – фармойиш берувчи органлар бошқа органларни ўзига бўйсундириб олади, қонунчилик ва суд ваколатлари бўлиб олинади) ;
- вакиллик органлари мавжуд бўлса-да, уларнинг роли ҳокимият субъекти томонидан чекланган;
- моҳиятан суд ёрдамчи органлар сифатида чиқади, у билан бирга суддан ташқари органлардан ҳам фойдаланилади;
- мансабдор шахслар ва давлат органларининг сайланиши принциплари, уларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши ва назорат остида бўлишининг амал қилиш соҳаси қисиб қўйилган ёки ёққа чиқарилган бўлади;
- давлат бошқарувининг методлари сифатида буйруқбозлик, маъмурийлик ҳукмронлик қилади, айти вақтда террор бўлмайди, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг оммавий қатағонлар, қаттиқ зўрлик ишлатиш усуллари амалда қўлланилмайди;
- цензура қисман сақланиб қолади, ўзига хос “ярим ошкоралик” мавжуд бўлади;

- ягона мафкуранинг мавжуд бўлмаслиги (тоталитаризмдан фарқли равишда бу ерда ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини олий мақсадларга интилиш деб оқлашмайди);
- тоталитар сиёсий тартиботда кузатилганидек, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари устидан тўла, ёппасига назорат қилишдан воз кечади;
- қисман плюрализм (кўпфирлилик) мавжуд, мухолифатга йўл қўйилмайди, кўппартиявийликка ўхшаш ҳолатга йўл қўйилади, зеро мавжуд бўлган барча партиялар ҳукмрон партия томонидан ишлаб чиқилган маррага қараб ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда улар тарқатиб юборилади;
- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳаммадан аввал эълон қилинади, аммо ҳақиқатда ўзининг тўлалигича таъминланмайди (энг аввало сиёсий соҳада);
- ҳокимият билан ўзаро муносабатларда шахснинг хавфсизлиги кафолатланмаган;
- “куч ишлатувчи” тузилмалар амалиётда жамиятда назорат остида эмас ва кўпинча фақат ғоят сиёсий мақсадларда фойдаланилади;
- лидер (етакчи)нинг роли юқори даражада, лекин тоталитаризмдан фарқли равишда, бу ерда лидер харизматик эмас.

Тоталитар тартибот.

“Тоталитаризм” тушунчаси том маънода “барча”, “бутун”, “тўла” деганидир. Ҳар бир мамлакатда, қаерда сиёсий тоталитар тартибот вужудга келган ва ривожланган бўлса, у ўзининг хусусиятга эга бўлган. Шунинг билан бирга, тоталитаризмнинг барча шакллари учун умумий бўлган жиҳатларни ва унинг моҳиятини очиб берадиган умумий хусусиятлар бор. Тоталитаризм тартиботи жамият ҳаётининг ҳамма соҳалари устидан давлатнинг мутлақ назорати, инсоннинг сиёсий ҳокимият ва ҳукмрон мафкурага тўла бўйсунishi билан характерланади.



Тоталитар сиёсий тартиботнинг белгилари:

- давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устидан глобал ҳукмронлик қилишга, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ҳокимиятга интилади;
- жамият амалда сиёсий ҳокимиятдан тўла бегоналашган (узоқлашган), лекин у буни ҳис этмайди, зеро сиёсий онгда халқ ва ҳокимиятнинг “бирлиги”, “қўшилиб кетиши” тўғрисидаги тасаввурлар шакллантирилади;
- иқтисодиёт, оммавий ахборот воситалари, маданият, дин, шахсий ҳаёт, кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари сабабларига қадар, уларнинг устидан давлатнинг танҳо назорати;


- ижтимоий муносабатларнинг тартиб-қоидаси мутлақ “ҳуқуқий”, тўғрироғи ноҳуқуқий бўлиб, улар “қонунда тўғридан-тўғри рухсат этилган нарсаларни қилиш мумкин” принципига асосланади;
- давлат ҳокимияти бюракратик усул билан, жамиятдан яширинча йўллар билан шаклланиб, “сирли шухрат” билан ўралган ва халқ томонидан назорат қилишнинг иложи йўқ;
- бошқарувнинг зўрлик, мажбурлов, террор каби методлари ҳукмронлик қилади;
- бир партиянинг ҳукмронлиги, ҳақиқатда эса давлат билан профессионал аппаратнинг бирлашиб кетиши, муҳолиф кайфиятдаги кучларни таъқиқланиши;
- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари декларатив, расмий характерга эга бўлиб, уларни амалга оширишнинг аниқ кафолатлари мавжуд эмас;
- иқтисодий асос сифатида йирик мулк майдонга чиқади: жамоа мулки, монополистик (барча мулк ўз қўлида) мулк, давлат мулки;
- ягона расмий мафқуранинг мавжудлиги, ҳақиқатда кўпфирлиликка йўл қўйилмайди;
- марказий давлат ҳокимияти диктатор (қаттиқ қўл) ва унинг атрофдагилари қўлида бўлади;
- қатағон уюштирувчи давлат органларининг жамият томонидан назоратсизлиги;
- фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мавжуд эмаслиги;
- давлат ҳокимияти ўз-ўзига, ўзбошимча, кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олмасдан, демократик механизмлар, меъёрлар ва институтларга қарама-қарши равишда амалга оширилади.

СИЁСИЙ РЕЖИМ

Мамлакатдаги сиёсий ҳаётнинг характерини белгилловчи, сиёсий эркинликлар даражасини ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларига ҳокимият органларининг муносабатини ифодаловчи жамият сиёсий тизимининг амал қилиш усули




СИЁСИЙ ТАРТИБОТЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИСИ



ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИЁСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА НАЗАРИЯЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ (ТУРКУМЛАШТИРИЛИШИ)

Классификация (туркумлаштириш) учун асослар



ЛИБЕРАЛИЗМ

Шахс эркинлигини ва индивиднинг бошқа фуқароларни ҳамда давлат фаолияти соҳасини чеклашни эълон қилувчи таълимий-сиёсий оқим

Асосий қоидалар

Алоҳида индивид жамият ва унинг институтларига қараганда ҳар қандай жамоалашган ҳуқуқ ва манфаатлардан муҳимроқдир

Ҳар бир кишининг бошқа кишилардан фарқи ва ўзига хослиги шак-шубҳасиз ва биринчи даражали, алоқалар ва ўхшашлик эса шартли ва иккинчи даражали

Барча қонунлар ва қадриятларни инсоннинг ўзи яратеди

Инсон ўз эрки олодида индивидуал тарзда озод ва масъулдир

Асосий сиёсий мақсадлар

Парламент тузуми ва анъанавий парламент муолажаси (процедура)ларига мойиллик

Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий функцияларини ўсиб боришига ноҳуш муносабат


Ҳокимият бўлишининг зарурати, сиёсий кўпфирқрллик ва қонун устуворлиги


Фуқароларнинг асосий эркинлик ва сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш, инсон шахсининг қадр-қимматини ҳурмат қилиши

Плебейлик демократияси амалиётининг кенгайиб бориши, қонунларнинг умумхалқ томонидан муҳокама қилиниши, маҳаллий ўз-ўзини бошқаршининг мустақамланиши


Элитаризм демократияси моҳиятининг асосланиши, элиталар рақобатининг зарурияти

Муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишида компромисс, консенсусга эришув





Н Е М И С Л И Б Е Р А Л И З М И



КОНСЕРВАТИЗМ

Давлат ва ижтимоий ҳаётнинг тарихан таркиб топган шакллари, айниқса унинг оилада мужассамлашган устун қадриятларини, миллатни, динни, мулкни сақлашга ва мустаҳкамлашга йўналтирилган зоявий-сийсий таълимот ва оқим

А с о с и й қ о и д а л а р

Жамият бу-илдизлари узоқ тарихга бориб етadиган ахлоқ, урф-одатлар, анъаналар, институтлар тизимидир

Ҳар қандай назарий схемадан кўра амалдаги институт маъқулроқ

Давлат авторитетига йўналганлик

Инсон табиятини баҳолашда пессимизм, инсон ақлига муносабатда спектицизм

Кishiлар ўртасида ижтимоий тенглик имкониятига ишончсизлик

Хусусий мулк-шахсий эркинлик ва ижтимоий тартибнинг кафолатидир

А с о с и й с и ё с и й ғ о я л а р

Индивиднинг ижтимоий турмушини белгиловчи, анъаналар, зоялар

Миллий улуглик зояси

Сийсий рақобат ва ижтимоий тенгсизлик зояси

Жамият ҳаётига фаол сийсий фаол аралашувдан воз кечиш зояси

Парламентизмга ва ҳокимиятнинг сайланадиган институтларига мойиллик.

КОНСЕРВАТИЗМНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Анъанавийлик

Бозор капитализмига, маълум маънода феодализмга хос бўлган ахлоқий анъаналарга риоя этиши ва ижтимоий устунларни сақлаб қолиши заруриятига таяниши

Э.Берк, Ж.де Местр,
Л.де Бональд

Либерторизм

Индивиднинг чекланмаган эркинлик гоёларига содиқлик

Ф.Хайек, Ж.Роулс

Неоконсерватизм

Неоконсерватизм

Инсоннинг тарихан ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, сиёсатнинг ва ижтимоий муносабат-ларнинг демократлаш-тирилиши, ижтимоий тараккиёт гоёларига

И. Кристоун, Н. Глейзер, Ж. Уилл

Классик консерватизм ва либерализм гоёларини муъассамлаштирувчи (идеология) мафкура

Асосий гоёлар

Фақат бозор муносабатларигина жамият ва инсонни реал тараккиётга олиб боради

Эркин ва тенглик бир-бири билан чиқиша олмайди


Классик демократия амалга ошмайдиган ва зарарли, элита хоқимиятини ва демократияни бирлаштириши зарур

Шахснинг бош ҳуқуқи – хусусий мулкка эга бўлиши ва уни эркин тасарруф этиши ҳуқуқи

А В Т О Р И Т А Р И З М


Сиёсий ҳокимият халқнинг минимал иштирокида (конкрет) аниқ шахс (оила, сиёсий партия, ижтимоий синф) томонидан амалга ошириладиган сиёсий тартибот.

“Давлат - бу мен” Людовик XIV




ТОТАЛИТАРИЗМ

Ҳар бир инсон ва бутун жамият ҳаётининг турли томонлари устидан мутлақ (тотал) назорат ўрнатишга интилувчи сиёсий режим (тартибот).



ТОТАЛИТАРИЗМНИНГ СИЁСИЙ ТАРТИБОТ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ



МАРКСИЗМ СИЁСИЙ - ИЖТИМОЙ ДОКТРИНА СИФАТИДА

Тавсифий хусусиятлари

Гегель диалектикасининг материалистик руҳда танқидий қайта ишлатилиши ва унинг имкониятидан жамиятнинг сиёсий ва давлат-ҳуқуқий муаммоларини таҳлил этишида максимал фойдаланади.

Диалектика принциплари ва қонунларини тафаккурдан эмас, балки объектив борлиқнинг ўзидан келтириб чиқариши.

Сиёсий ва давлат ҳуқуқий ҳодисаларнинг мавжудлигини диалектик-материалистик тарзда фикрлади

Давлат ва ҳуқуқ - ўзига хос бўлган ва нисбатан мустақил муносабатлар сифатида мавжуд бўлган, жамиятнинг асосий сиёсий институтларидир.

Давлат бюрократиясини таҳлил этишга, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини кўрсатишга янгича ёндашди.

У ялпи манфаатларни ифодаламайди ва ақл-идроқнинг давомчиси ҳисобланмайди, бу сиёсий шаклларида биридир.

Сиёсатни ижтимоий ўлчашнинг янги мезонларини ишлаб чиқди ва бир қатор инқилоблар тажрибасида синовдан ўтказди.

Синфийлик мезони.

Иқтисодий манфаат.

ИЖТИМОЙ РЕФОРМИЗМ

Тараққийнинг тадрижийлиги (эволюцион)га, демократик социализмга ва унга аста-секин ислохотлар йўли билан эришишга йўналтирилган ижтимоий сиёсий таълимот ва оқим

Мафқуранинг тавсифий жиҳатлари

Ижтимоий ҳаётни империалистик талқин этиши

Ижтимоий ҳодисаларни таҳлил этишга бутун халқ, меҳнаткашлар оммаси манфаатлари нўқтаи назаридан ёндашиши

Жорий ва охириги мақсадларнинг инсонпарварлик характери

Ижтимоий жамоатчилик

Тарихий кўтаринкилик (оптимизм)

Асосий сиёсий ғоялар

Сиёсий ҳокимият шакли сифатида ҳар қандай диктатурани рад этиши

Демократик парламентаризм принципларига

Мухим муаммоларни ҳал этишда сиёсий кўпфирликка ва консенсусга (кўпчиликнинг бир қарорга келиши, муроса қилиши) таяниши

Кўйилган мақсадларга эришишининг тинч, демократик воситалари устуворлиги

Икисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши ва бозор механизмларининг ривожлантирилиши

Меҳнаткашлар оммасини ижтимоий ҳимоялаш концепциясига содиқлик

Турли хил давлатларнинг тинч-отув яшаши ва уларнинг етарлича хавфсизлиги йўналиши

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЧЕТ ЭЛ СИЁСИЙ ФАНЛАРИНИНГ
АСОСИЙ МАҚТАБЛАРИ**

Инглиз- Америка

*Сиёсий модерзациялаш,
барқарорлик. Сиёсий
можаролар, ташқи сиёсат
муаммоларининг ишлаб
чиқиши*

Француз

*Сиёсий тартиботлар
типологияси, легитимли-
лик, партиявий-сиёсий
инфратузилма
муаммоларини ўрганиш*

Немис

*Сиёсий тизимлар,
фуқаролик жамияти ва
хуқуқий давлатнинг амал
қилиши муаммоларини
Қиёсий таҳлил этиши*

Поляк

*Сиёсий тизимни
демократлаштиришининг
бош йўналишларини,
жамият сиёсий ҳаётини
концептуал тадқиқ этиши*

АСОСИЙ ВАКИЛЛАРИ

*С.Липсет, К.Райт,
С.Хантингтон,
Г.Моргентау, Ж.Сартари,
Р.Дарендорф*

*М.Дювержеа, Ж.Бурдо,
М.Крозье, Р.Арон*

*Г.Майер, К.Фон Бейме,
И.Фитгер*

*Е.Вятр, Т.Бодио, А.Боднар,
К.Опалэк, Ф.Рышка*

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ

Сиёсий ҳокимиятнинг моҳияти ва хусусиятлари

Сиёсий ҳокимият - бу ҳокимиятнинг жамиятдаги алоҳида туридир. У жамият аъзоларининг ижтимоий табақалашувчи юқори даражада бўлганда ва меҳнат ташкилоти шароитларида амалга оширилади.

Сиёсий ҳокимиятнинг белгилари:

- кишиларнинг бир гуруҳи махсус вакиллик давлат аппарати орқали ҳокимият ваколатини иккинчи гуруҳга вакил қилиб юбориши;
- ўрнатилган меъёрларни бузганлик учун қўлланиладиган турли хил санкциялар тизимига таянган ҳолда, уюшган мажбурлов механизмидан фойдаланиш;
- қонунлар ижро этилишини кузатиб бориш учун ҳокимиятнинг бошқа аппаратларига нисбатан юқори даражадаги обрўга ва маълумотга эга бўлган кишиларнинг махсус аппарати мавжудлиги.

Сиёсат ҳокимиятнинг зарурий компоненти (таркибий қисми) - давлат ҳисобланиб, у ўзининг бир қатор атрибутларига эгадир: ўз аҳолисининг мавжудлиги (фуқароларига эга бўлиш); давлатнинг ўз хукмронлигини жорий этадиган ҳудуднинг мавжудлиги; мажбурлаш механизмининг мавжудлиги; бу мажбурлашни уюшган шаклда амалга оширувчи кишилар. Давлат - бу жамиятда қонунлар ишлаб чиқаришга бўлган ҳуқуқни танҳо эгаллаб олган ташкилий зўрлик инструменти. Унинг аҳамиятини ошириш ҳам, камайтириш ҳам керак эмас. Рус файласуфи В.С.Соловьевнинг эътирофи этишича, “давлат ердаги ҳаётнинг узил-кесил дўзахга айланишига халақит бериш учун эмас, балки ердаги ҳаётни жаннатга айлантириш учун мавжуддир.”

Сиёсий ҳаёт, давлат ҳаёти ҳақиқатдан ҳам доимий равишда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутб ўртасида иккиланиб туради: давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслиги ва унинг устидан тўла назорат қилиш. Ҳокимиятнинг мавжудлигида ижтимоий тартиблиликнинг қудратли ижтимоий омили сифатида, ҳокимиятсизликда эса, ижтимоий тизимнинг ўз-ўзидан бузулиши ва қайта ташкил этилишининг кўриниб турган хавфи сифатида намоён бўлади. Шу ерда бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар қандай ҳокимият ҳам бошқарув ва ижтимоий фаровонлик омили ҳисобланмайди. Ҳокимиятдан фойдаланиш самараси маълум даражада унинг ижтимоий мазмуни билан белгиланади – ҳам бошқарилувчилар, ҳам бошқарувчилар манфаатларига мувофиқ тарзда ёинки зид ҳолатда ҳаракат қилиш лаёқати; шундай қилиб бошқарув самараси ўзининг ижтимоий моҳиятига боғлиқ ҳолда бўлади.

Сиёсий ҳокимият ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, бошқарув эҳтиёжларини амалга оширишда шаклланади ва вужудга келади. У инсоният ҳамжамиятининг тузилиши ва мустаҳкамланиши, зиддиятлар ва қарама-қарши манфаатлар туғдирадиган фарқларни олиб ташлашнинг мажбурий шакли сифатида ҳаракат қилади. Сиёсат соҳасида турли манфаатларнинг доимий кураши бўлиб туради, шунинг учун ҳам бошқа кучлар ва кишиларнинг қаршилигини бартараф этиш зарурати мавжуддир ва сиёсий ҳокимият мажбурлов шаклида амалга оширилади.

Ижтимоий бошқарувнинг инструменти сифатида сиёсий ҳокимиятнинг функциялари:

- ижтимоий яхлитлик (бутунлик) ни сақлаш;
- ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимият функцияларини амалга оширувчи манфаатлар ва эҳтиёжларни юзага чиқариш;
- ижтимоий организмни бир хилда амал қилинишини қўллаб-қувватлаб туриш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Сиёсий ҳокимият ижтимоий турмушнинг турли соҳа, томон (жихат)лари муштараклигини шундай таъминлаши лозимки, у ҳақиқатдан уларни тўлдириб туриши, бир-бирининг мавжудлигига путур етказмаслиги керак;
- жамият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мувозанатни қўллаб-қувватлаши, бу қўллаб-қувватлаш шундай мутаносибликда бўлиши керакки, улар бир-бирларига тўсқинлик қилмасин, балки бир-бирини ривожланишини рағбатлантирсин.

Сиёсий ҳокимият функцияларидаги узилиш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимини заифлаштириши ҳамда беқарорлаштириши, жамиятни ижтимоий инқирозга олиб келиши мумкин.

Жамиятда ўзаро ҳаракат қилувчи манфаатлардан давлатнинг маълум даражада автоном бўлиши сиёсий ҳокимият функцияларини бирга олиб боришни таъминлашнинг энг қулай шarti бўлиб хизмат қилади. Агар сиёсий ва иқтисодий жихатдан ҳукмронлик қилувчи ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан зиддият вужудга келганда, давлат манфаатлари устун бўлганда сиёсий ҳокимиятга эришилади.

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ

Бу қимнидир, ниманидир тасарруф этиши лаяқати, ҳуқуқи ёки имконияти; турли хил воситалар - ҳуқуқ, обрў, эрк, мажбурлов ёндашувида кишиларнинг фаолияти ёки юриш-туришига, тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши

Тавсифий белгилар

Ҳокимият иродасининг устуворлиги

*Бошқарувнинг ўзига хос аппарати
маъжудлиги*

*Бошқа давлатларга муносабат бўйича
ҳокимият органларининг суверенитети*

*Ҳамият ҳаётини чеклаш
(регламентация) монополия*

*Ҳамият ва шахс муносабатида
мажбурлов имконияти*

Манбалар

Куч


Бойлик


Ҳамиятда эгалланган мавқе

Ташкилот


Билим ва информация

**ҲОКИМИЯТ СИЁСИЙ ҲОДИСА
СИФАТИДА**





СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ ЛЕГИТИМЛИГИ



СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ ТИПЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Тоталитар

Ялли чегара,
билмас назорат
ва зўрлик

Авторитар

Назоратга
йўл бермайдиган
аниқловлар

Демократик

Ҳокимият қонунга мувофиқ
сайланган фуқароларнинг
вакиллари орқали амалга
оширилади

ҲОКИМИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХАРАКТЕРИ ВА ЧОРАЛАРИ

КИШИЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТГА МУНОСАБАТИ

Ҳокимият
билан
қўшилиши

Оддий фуқароларнинг
ҳокимиятдан
беғоналашуви

Ҳокимиятни
аниқ амалга оширувчиларни
сайлаш

ҲОКИМИЯТ ТАЪҚИҚЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИ

Ҳокимият буйруқ берган нарсага
рухсат, қолганлари
таъқиқланади

Сийёсатга тегишли бўлганларга
рухсат этилади

Қонун билан таъқиқланмаган
нарсаларга рухсат берилади,
жамият манфаатлари ва
ахлоқий нормаларига мос келади

ҲОКИМИЯТ (СИЁСАТ)НИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Сиёсий ҳаётнинг қатнашчилари бўлиб, улар томонидан англаб етилган эҳтиёжлар ва манфаатлар сиёсий ҳокимиятнинг амалга оширишга реал таъсир этади ва уни амалга оширишни ҳамда маблағ билан таъминлашни белгилайди

ТУРЛАРИ

Бевосита иштирокчилар: давлат, партиялар, сиёсий етакчилар ва элиталар, жамоат ташиқлотлари ва ҳаракатлар

Бевосита қатнашувда иштирокчилар: йирик ижтимоий гуруҳлар ва бирликлар, манфаатларнинг турли гуруҳлари

Фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи- ижтимоий манфаат

Бу сиёсат субъектнинг сиёсат воситалари ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўзининг турмуш шароитларини, ўзининг ижтимоий аҳволини сақлаб туриши ёки яхшилашга эҳтиёжи ва интилиши

ХОКИМИЯТ РЕСУРСЛАРИ

Шундай воситалар йиғиндисиким, улардан фойдаланиш субъект мақсадлари билан мос равишда ҳокимият объектига таъсир кўрсатишни таъминлайди.

ИҚТИСОДИЙ

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва эҳтиёж учун зарур бўлган моддий қадриятлар, пуллар, ҳосилдор ерлар, фойдали қазилмалар

(ЗҲРЛИК) КУЧЛАР

Жисмоний мажбурлов қуроли ва аппарати, бунинг учун махсус тайёрланган одамлар

ИЖТИМОИЙ

Ижтимоий мақом ёки мансабни кўтариш (ёки тушириш) лаёқати, ижтимоий структурадаги ўрни

ИНФОРМАЦИОН

Билми ва информация, шунингдек, уларни олиш ва тарқатиш воситалари

СИЁСИЙ – ҲУҚУҚИЙ

Конституция, қонунлар, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатлари

ДЕМОГРАФИК

Инсон бошқа ресурсларни ташиқил этувчи универсал ресурслар

Сиёсий ҳокимият

Кишилар катта гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос шакли, муайян ижтимоий гуруҳ, синф, индивиднинг сиёсатда, сиёсий ва ҳуқуқий нормаларда ифодаланган ўз ирода эрklarини ҳаётга жорий этиш лаёқати.

Давлат ҳокимияти

Мажбурловнинг махсус аппаратига таянадиган ва барча аҳолига тарқаладиган ижтимоий ҳокимият шакли; сиёсий ҳокимиятнинг ядроси, марказлашган ифодаси.

Жихатлари

Қарорларнинг ҳар қандай бошқа ҳокимият учун мажбурлиги

Барча фуқароларга мурожаат

Қарорлар қабул қилишнинг ягона марказининг мавжудлиги


Ресурсларнинг турли хиллиги

Бу ташиқлот мақсадларини амалга ошириш бўйича ҳам фаолият, ҳам ташиқил этиши


Ўзига хос бошқарув ва мажбурлов аппаратининг мавжудлиги

ДЕМОКРАТИК СИЁСІЙ ТАШКИЛОТ

Ҳокимиятнинг манбаи сифатида халқнинг тан олиншига асосланган жамият сиёсий тизимининг амал қилиши усули бўлиб, халқ давлат ва жамиятнинг ишларини ҳал этишида қатнашиши ҳуқуқига эга, фуқароларга етарли даражада кенг қамровли ҳуқуқига эга эркинликлар берилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТНИНГ БЎЛИНИШИ



Ташкилнинг

ДАВЛАТ, ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ, ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

Давлат тушунчаси ва белгилари

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий институт ҳисобланади. Политологияда “давлат” термини одатда икки маънода қўлланилади: кенг маънода (мамлакат, жамият, халқ сифатида, яъни маълум бир ҳудудда жойлашган ва олий ҳокимият органи томонидан намоён этиладиган, масалан, рус, француз, болгар давлати) ва тор маънода, яъни давлат сифатида. Кейингиси қатъий, илмий термин. Шу термин доирасида давлат муайян ҳудуд чегараларида конкрет манфаатлар (синфий, умуминсоний, диний, миллий ва ҳ.к.) ни устувор тарзда амалга оширишга кўмаклашувчи сиёсий ҳокимиятнинг ташкилоти сифатида таърифланади.

Давлатнинг белгилари:

1. Мамлакатнинг бутун ҳудудига ва унда мавжуд бўлган барча шаклларга нисбатан қўлланиладиган ва махсус мажбурлов муассасаларида моддий таъминланган, жамиятдан ажралиб чиққан ва мамлакат аҳолисига мос келмайдиган оммавий ҳокимиятнинг мавжудлиги (давлат албатта бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлади, зеро оммавий ҳокимият – бу амалдорлар, полиция, турма ва бошқа муассасалар демакдир);

2. Солиқлар, ўлпонлар, займлар тизими (иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, давлат аппаратини сақлаш, моддий бойликлар ишлаб чиқарадиган кишиларни, фақат бошқарув фаолияти билан банд бўлган кишиларни таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар);

3. Аҳолининг ҳудудий бўлиниши (давлат қайси уруғ, қабила, диний эътиқодидан қатъий назар, унинг ҳудудида жойлашган кишиларни ўзининг ҳимояси ва ҳокимияти билан бирлаштиради);

4. Суверенитет (ўз ҳудудида давлат устуворлигига эришиш ва халқаро муносабатларда мустақил бўлиш);

5. Ҳуқуқ (давлат ҳуқуқсиз яшай олмайди, шу боисдан ҳам давлат юридик жиҳатдан давлат ҳокимиятини расмийлаштиради ва бу билан уни ошқора (легитим) қилади, давлат функцияларини амалга оширишнинг юридик шакл ва рамакаларини белгилайди);

6. Жисмоний мажбурлаш, очик куч ишлатишга бўлган монополия, яъни танҳолик (фуқароларни олий қадриятлардан маҳрум этиш имконияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида фаолиятини белгилайди);

Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли.

Давлат – бу маълум ҳудуд доирасида аниқ манфаатларни устувор тарзда амалга оширишга кўмаклашувчи сиёсий ҳокимиятнинг ташкилоти. (Манфаатлар – синфий, умуминсоний, диний, миллий бўлиши мумкин ва ҳ.).

Давлат ижтимоий жиҳатдан бир хил бўлмаган жамиятда сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг универсал ҳудудий шаклини ўзида намоён этади. Давлат – сиёсий ҳокимиятни институционал расмийлаштиришнинг ўзига хос **стерженидир.**

Давлат ва жамиятнинг “сиёсий тизими” тушунчалари қисм ва бутун сифатида қаралади. “Умуммажбурийлик” **призмаси** орқали сиёсий ҳаёт ҳодисаларини тартибга солар экан, давлат сиёсий манфаатларнинг турли кўринишларини ўзида тўплайди. Ҳар қандай бошқа ижтимоий институтнинг таъсири энг қулай ҳолатда унинг тарафдорлари ва кўнгилли аъзоларига тарқалиши мумкин.

Давлат органлари ҳукмининг ялпи аҳамияти жамиятнинг мавжудлиги факти билан изоҳланади, унинг учун умумий бўлган муаммоларини ҳал қилмасдан туриб, нормал фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

Сиёсий система ўзига хос яхлитлик ва барқарорликни берар экан, айнан шу сифатда давлат сиёсий системада алоҳида роль ўйнайди. Жамият ресурсларидан фойдаланар ва унинг ҳаёт фаолиятини тартибга солар экан, у бошқарув юзасидан фаолиятнинг асосий ҳажмини бажаради.

Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат марказ, етакчи мавқени эгаллар экан, у қуйидаги белгиларга молик бўлади:

- бутун халқнинг ягона расмий вакили сифатида чиқиб, фуқаролик белгиси бўйича ҳудудий чегаралар доирасида уни бирлаштиради;
- жамиятни яқинлаштиради, мавжуд сиёсий фарқлар ва қарама-қаршилиқлардан қатъий назар унга ягона ижтимоий организм сифатини беради;
- давлат мустақилликнинг намояндаси ҳисобланади;
- жамиятни бошқариш учун тайинланган махсус аппаратга эга бўлади (оммавий ҳокимият) ;
- “куч ишлатиш” тузилмаларига эга бўлади (қуролли кучлар, милиция, хавфсизлик хизмати ва ҳоказо);
- танҳо қонун чиқарувчилик ҳуқуқига эга бўлади;
- махсус моддий қадриятлар тўпламига эга бўлади (давлат мулки, бюджети, валютаси).

Давлат бошқаруви шакли

Давлат бошқаруви шакли – бу давлат шаклининг элементи бўлиб, олий давлат ҳокимияти ташкилотини, унинг органлари тузилиши тартибини ва уларнинг аҳоли билан ўзаро муносабатларини тавсифлайди.

Давлат бошлиғи (монарх ёки президент), қонун чиқарувчи орган, ҳукумат олий давлат ҳокимияти ҳисобланади.

Давлат бошлиғининг мавқеига қараб бошқарув шакли монархия ва республикага бўлинади.

Монархия (грекчадан олинган бўлиб, яқка ҳокимият” демакдир) бошқарув шакли – бу ҳокимият қисман ёки тўлалигича ягона давлат бошлиғи – монарх (король, подшо, шох, император) қўлида тўпланади.

Монархиянинг белгилари:

- ҳокимият мерос сифатида ўтади;
- муддатсиз амалга оширилади;
- аҳолининг хохиш-иродасига боғлиқ бўлмайди.

Монархия чекланмаган ва чекланган бўлади. Чекланмаган монархияда халқнинг вакиллик муассасаси мавжуд бўлмайди ва унда давлат суверенитети яқкаю-ягона намоён этувчиси монарх ҳисобланади (масалан, феодализм босқичининг сўнгги даврларидаги абсолют (мутлақ) монархиялар ҳозирги замонда – Саудия Арабистони, Бруни). Чекланган (конституциявий) монархияда давлат суверенитетини монархдан ташқари, унинг ҳокимиятини чекловчи бошқа олий давлат органлари ҳам намоён этади (Англия, Япония, Испания, Швеция, Норвегия ва б.).

Монархия дунёда узоқ юз йилликлар давомида ҳукмрон бошқарув шакли бўлиб келди. Махсус шаклда у ҳозирда ҳам жаҳон мамлакатларининг учдан бир қисмида сақланиб қолган.

Республика - лотинчадан олинган бўлиб, “давлат, жамоат иши” деган маънони англатади. Республика бошқарув шаклида давлат бошлиғи сайланувчи ва алмаштирилувчи ҳисобланади, унинг ҳокимияти эса, вакиллик органи ва сайловчилар хохиш-иродасига боғлиқ ҳосила ҳисобланади.

Республиканинг белгилари:

- ҳокимиятнинг сайланиши;
- муддатлилик;
- сайловчилар хохиш-иродасига боғлиқлик.

Ҳукуматни ким ташкил этиши, у кимга ҳисобот бериши, кимнинг назоратида бўлишига қараб, республика президентлик, парламент аралаш шаклларига бўлинади. Президентлик республикасида (АҚШ, Бразилия,

Аргентина, Венесуэла, Боливия, Сурия ва б.) бу ролни айнан президент бажаради, парламент республикасида (Германия, Италия, Ҳиндистон, Туркия, Исроил ва б.) – парламент, аралаш республикада (Франция, Финляндия, Польша, Болгария, Австрия ва б.) – президент ва парламент ижро этади.

Президентлик республикасида президент Парламентга боғлиқ бўлмаган ҳолда ё сайловчи вакиллар коллегияси ёинки бевосита халқ томонидан сайланади. Унинг ўзи ҳукуматни тайинлайди ва унинг фаолиятини бошқаради. Мазкур республикада парламентга ишончсизлик билдириши, президент эса – парламентни тарқатиб юбориши мумкин эмас. Аммо парламент қабул қилинадиган қонунлар ёрдамида ва бюджет муассасаси орқали президент ва ҳукумат ҳаракатини чеклаш имкониятига эга, айрим ҳолларда президентни лавозимидан чеклатилиши ҳам мумкин (қачонки у конституция қонунларини бузса, жиноят содир қилса). Президент ўз навбатида, қонун чиқарувчи органнинг қарорларига вето (лотинчадан – “тақиқлаш”) қўйиш ҳуқуқига эга.

Парламент республикасида ҳукумат қонун чиқариш органи томонидан шакллантирилади ва унинг олдида жавобгар бўлади. Парламент овоз бериш йўли билан ҳукуматнинг фаолиятига, ҳукумат бошлиғининг (Вазирлар Маҳкамаси раиси, Бош вазир, канцлер), конкрет вазир фаолиятига ишонч билдириши ёки ишончсизлик билдириш мумкин. Давлатнинг бошлиғи президент ҳисобланиб, у парламент томонидан ёки сайловчи вакиллар коллегияси томонидан ёинки халқ томонидан (тўғридан-тўғри овоз бериш орқали) сайланади. Бироқ давлат ҳокимияти органлари тизимида у камсуқум ўринни эгаллайди – унинг маъсулияти конституцион монархияда давлат бошлиғи функциясидан унчалик фарқ қилмайдиган вакиллик функцияси билан чекланади. Ҳақиқатда давлат бошлиғи сифатида ҳукумат раҳбари фаолият кўрсатади.

Аралаш республика (ярим президентлик, ярим парламент) нинг характерли томони шундаки, ҳукумат икки қарра маъсулиятли бўлади – ҳам президент олдида, ҳам парламент олдида. Бундай республикаларда президент ва парламент бевосита халқ томонидан сайланади. Бу ерда давлат бошлиғи – президент. Парламентда сиёсий кучларнинг жойлашувига қараб, у ҳукумат бошлиғини ва вазирларни тайинлайди. Давлат бошлиғи вазирлар маҳкамаси йиғилишларида раислик қилади ва унинг қарорларини тасдиқлайди. Парламент мамлакатнинг ҳар йиллик бюджетини тасдиқлаш, шунингдек ҳукуматга ишончсизлик билдириши билан ҳукумат фаолиятини назорат қилиш имконига эга.

ДАВЛАТ

Муайян ҳудудга жойлашган, миллий ва кўпмиллатли бирликдан ташкил топган сиёсий яхлитлик бўлиб, мазкур ҳудудда сиёсий яхлитлик бўлиб, мазкур ҳудудда сиёсий элита томонидан ўрнатилган ҳуқуқий тартибот қонуний мажбурловни қўллаш ҳуқуқига эга бўлиб, танҳо ҳокимлик қилади

Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти
концепциялари

Партиархал (Р. Фильмер)

Географик

Зўрлик назарияси

(Е.Дюринг, Л.Гумилович)

Жамоат шартномаси

(Т.Гроций, Ж.Руссо, Ж.Покк)

Ижтимоий- иқтисодий

Органик

(Ж.Фортескью, А.Шеффле, Р.Вормс)

Рухий (Ж.Бюрдо)


Сиёсий антропология

Асосий
атрибутлар


Ҳудуд

Аҳоли



Оммавий ҳокимият





ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ




И Ж Т И М О И Й Д А В Л А Т



Х У Қ У Қ И Й Д А В Л А Т



ДАВЛАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ



МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИНING ШАКЛАРИ

Унитаризм

Маъмурий давлат бирлик-лари устидан марказлашган бошқарувнинг мавжудлиги ва махсус (мустақил) давлат бирлашмаларининг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Бу ягона, бўлинмас, яхлит бутунликни ташкил этувчи давлат тузилиши, кенг ҳудудий ёки миллий автономия бўлиши мумкин.

Федерация

Икки ёки бир неча ҳудудий бирликларни (штат, ерлар, вилоятлар, республикалар) бир давлатга бирлашуви; бунда улар маълум даражада сиёсий, иқтисодий ва маданий мустақилликка ва ўз маъмурий-ҳудудий бўлинишига эга бўлади.

Конфедерация (ҳамдўстлик)

Қандайдир кўрinishдаги давлат фаолиятини мувофиқлаштириш учун давлатларнинг бирлашуви. Бу давлатлараро иттифоқда унинг барча аъзолари мутлақ автонорм бўлиб, ўз давлат ва қонунчилик органлари тизимига, мустақил фуқароликка, ўз валютасига, миллий армиясига эга бўлади.

КОНФЕДЕРАЦИЯ

Амалда суверенитетни тўлиқ ҳажмда сақлаб қолувчи давлатлар иттифоқи шакли.
Иттифоқни тўла емирилишига ёки федерацияга олиб борувчи шакл.

Т а в с и ф и й ж и х а т л а р и

Тегинли шартномалар асосида
ташқил топади

Конфедерация субъектлари эркин
чиқishi ҳуқуқига эга

Конфедерацияда суверенитет унинг тарки-
бига кирган давлатларга тегишли бўлади

Конфедерация ихтиёрига унчалик қатта
бўлмаган масалалар берилади

Фақатгина шартнома актларида ажратиб
кўрсатилган органларгина ташиқил этилади

Парламент, унинг субъектлари вақиллик
органлари билан шакллантирилади.

Конфедерациянинг доимий ҳаракат қиладиган
органлари ҳоқимият вақолатидан маҳрум этилган

Иттифоқ ҳоқимияти актларини тан олишини
рад этиши ҳуқуқи субъектларга тегишли

Бюджет субъектларнинг ихтиёрий бадаллари
эвазига шаклланади

Субъектлар шахс, товарлар, хизмат,
капиталнинг эркин ҳаракат қилишига, бож ёки
бошиқа чеклашлар ўрнатилиши ҳуқуқига эга бўлади

Қоидага кўра, ягона пул муомаласи
тизимини мавжуд эмас

Ҳарбий тузилмалар субъектлар томонидан
ташиқил этилади

Конфедерацияда иттифоқ фуқаролиги мавжуд

ФЕДЕРАЦИЯ

Федерациянинг барча аъзолари учун умумий бўлган вазифаларни марказий ҳокимият томонидан ҳал этиш учун бирлашган, бир неча давлат бирлашмаларидан таркиб топган ягона давлатдир.

А с о с и й х у с у с и я т л а р и

Федерация субъектлари суверенитетга эга эмас. Ундан чиқиб ҳуқуқидан маҳрум. Ўз ҳудудда устиворликка эга эмас.

Федерация ҳуқуқ фаолияти соҳаси бутун федерацияга тарқалади, субъектлар уни қўлланишига қаршилик кўрсатиши ҳуқуқига эга эмас.

Субъектларнинг давлат ҳокимияти тузилиши, одатда, федерал органлар намунасида тузилади.

Молявий марказлашув

Ягона ички иқтисодий бозор амал қилади.

Федерация фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари кафолати сифатида чиқади.

Субъектлар ўз ҳудудларига, конституцияларига ва етарлича даражада мустақилликка эга бўлган ҳокимият органларига эга бўлади.

Федерация ва уни субъектлари ихтиёрида бўлган нарсалар федерал конституция томонидан чегаралаб қўйилади.


Субъектлар федерация даражасида ўзаро фаол ҳаракат қилади.


ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВЛАТЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Унитар давлат	Федерация	Конфедерация
<p>Конституцион (белгилловчи) қарорлар мамлакат ҳокимиятининг олий органлари томонидан қабул қилинади.</p>	<p>Бевосита (истисносиз) федерация компетенциясига кирувчи соҳаларда ҳокимиятнинг олий федерал органлари томонидан бирга олиб бориладиган соҳаларида федерация субъектлари иштироки билан конституцион қарорлар қабул қилинади</p>	<p>Конституцион қарорлар конфедерация иштирокчилари бўлган давлатлар олий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинади</p>
<p>Ягона ҳудуд, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралари мин-тақаларининг тарихан таркиб топган иқтисодий-ижтимоий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади ва ўзгартирилади</p>	<p>Федерация ҳудудини унинг субъектлари ҳудудлари ташкил этади, федерациянинг ички чегаралари фақат унинг субъектлари розилиги билан ва қонунда ўрнатиш тартибда ўзгартирилиши мумкин</p>	<p>Ягона ҳудуднинг мавжуд эмаслиги</p>
<p>Маъмурий-ҳудудий бирликларга сиёсий ҳокимият бўлиб берилмаган</p>	<p>Федерация субъектлари чекланган сиёсий мустақилликка эга</p>	<p>Иштирокчи давлатлар сиёсий мустақилликни сақлаб қолади</p>

<i>Бир палатали ёки икки палатали парламент, палаталар умуммиллий вакиллиги асосида шаклланади</i>	<i>Икки палатали парламент, палаталардан бири - федерация субъектлари вакиллиги, иккинчиси - умуммиллий вакиллик</i>	<i>Ягона олий қонунчилик органининг йўқлиги ёки бир палатали қонунчилик мажлиси</i>
<i>Ягона Конституция</i>	<i>Федерация конституцияси ва федерация субъектлари конституцияси (уставлари)</i>	<i>Иштирокчи давлатлар конституциялари</i>
<i>Ягона ҳуқуқий ва суд тизими</i>	<i>Федерал қонунчиликнинг устуворлиги ва федерация субъектларининг ўз компетенциялари соҳаларидан қонунчилик актларини қабул қилиши ҳуқуқи</i>	<i>Ягона ҳуқуқий ва суд тизимининг мавжуд эмаслиги</i>
<i>Ягона фуқаролик</i>	<i>Федерал фуқаролик ва федерация субъектлари фуқаролиги</i>	<i>Иштирокчи давлатлар фуқаролиги</i>
<i>Ягона, бўлинмас, яхлит бутунликни ташиқил этувчи давлат тuzилиши</i>	<i>Одатда федерация субъектлари федератив шартномани бузиши ва федерация таркибидан чиқиши ҳуқуқидан маҳрум бўладилар</i>	<i>Конфедератив шартнома иштирокчи давлатлар томонидан, шу жумладан бир томонлама тартибда ҳам бузилиши мумкин</i>
<i>Давлат тўла ҳажмда халқаро фаолиятни амалга оширади</i>	<i>Федерация субъектларининг халқаро алоқалари чекланган: чет эл ваколат хоналарига эга бўлишлари, халқаро ташкилотлар фаолиятларида қатнашишлари, илмий ва маданий алмашинувларни амалга оширишлари мумкин</i>	<i>Иштирокчи-давлатлар тўла ҳажмда халқаро фаолиятни амалга оширишлари мумкин</i>

**БОШҚАРУВНИНГ ТУРЛИ РЕСПУБЛИКА ШАКЛЛАРИ.
ПРЕЗИДЕНТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРЛИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**





ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ (Россия федерациясида амалга оширилади)

РФ Президенти

- Давлат бошлиги ҳисобланади
- Инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг РФ Конституцияси кафолати ҳисобланади.
- РФ суверенитети, унинг мустақиллиги ва давлат яхлитлигини сақлаш чораларини кўради
- Давлат ҳокимияти органларининг келишилган амал қилиши ва ўзаро ҳаракатини таъминлайди
- Давлат сиёсатининг ички ва ташқи сиёсатини асосий йўналишларини белгилайди.
- Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда РФ номидан иш кўради.

РФ Федерал мажлиси

- РФ вакиллик ва қонунчилик органи ҳисобланади. Федерация кенгаши амалга оширади:
- РФ субъектлари ўртасидаги чегара ўзгаришларини тасдиқлайди
- Президент фармонини тасдиқлаш (ҳарбий ва фаёқулотда ҳолат ҳақида)
- РФ президенти сайловини тайинлаш ва уни вазифасидан бўшатishi
- Судья ва бош прокурорни тайинлаш, прокурорни вазифасидан бўшатishi
- РФ қуроли кучларидан унинг ҳудуддан ташқарисида фойдаланиши тўғрисидаги масалани ҳал қилади

Давлат Думаси:

- РФ ҳукумати раисини тайинлашга розилик беради.
- Ҳукуматга ишонч билдириш ҳақидаги масалани ҳал этади
- РФ марказий банки раисини тайинлайди ва бўшатади.
- Авф эълон қилади
- РФ Президентини лавозимдан озод этиши учун айбловни илгарти суради

РФ Ҳукумати


- Ижроия ҳокимиятини амалга оширади.
- Федерал бюджетни ишлаб чиқади ва уни ижросини таъминлайди.
- РФда ягона молиявий кредит ва пул сиёсатини амалга оширишни таъминлайди.
- Маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, экология соҳасида ягона давлат сиёсатини юргизишни таъминлайди.
- Федерал мулкни бошқаришни амалга оширади
- Қонунчилик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади.
- РФ ташқи сиёсатини амалга ошириш, мамлакат мудофаасини, давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади.

РФ судлари


- Конституцион суд:
- РФ ва федерал субъектлари томонидан қабул қилинган қонунлар, норматив актларни РФ Конституциясига тўғри келиши тўғрисида масалани ҳал этади
- Давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги компетент ҳақидаги тортишувни ҳал этади.
- РФ Конституциясини шарҳлайди
- РФ Президентига айблов илгари сурилганда ўрнатилган тартибга риоя этилиши тўғрисидаги ҳулоса беради
- Олий СУД:
- Фуқаролик, жиноий ва бошқа ишлар бўйича олий суд органи ҳисобланади
- Олий ҳакамлик суди:
- Иқтисодий тортишувлар ва бошқа арбитраж судлари кўрадиган масалалар бўйича олий суд органи ҳисобланади.

РОССИЯНИНГ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ


Россия Федерацияси – бошқарувнинг республика шаклидаги бўлган демократик федератив ҳуқуқий давлат




ШВЕЙЦАРИЯНИНГ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ
 (Бошқаруунинг парламент шакли)



А Қ Ш И Н И Г Д А В Л А Т Т У З И Л И Ш И
(Бошқаруving Президентлик шакли)




ФРАНЦИЯНИНГ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ (бошқарувнинг «аралаш» шакли)



С ай л о в х у қ у қ и г а э г а бў л г а н а ҳ о л и

Б У Ю К Б Р И Т А Н И Я Д А В Л А Т Т У З И Л И Ш И (Конституцион монархия)



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Фуқаролик жамияти назарияси Аристотель, Цицерон, Форобий, Гроций, Гоббс, Локк, Гегель ва бошқалар каби кўзга кўринган мутафаккирлар томонидан яратилган.

Амалиётда барча олимлар фуқаролик жамиятининг асосий ғояси сифатида инсон муаммосини илгари суришган. Фуқаролик жамияти – у индивидлар ва уларнинг гуруҳлари манфаатларини қондирадиган институтлар, ахлоқий, диний, миллий, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатларнинг йиғиндисидир.

Фуқаролик жамиятининг тузилиши:


- нодавлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва институтлар (мулк, меҳнат, тадбиркорлик);
- давлатга қарам бўлмаган ишлаб чиқарувчилар (хусусий фирма ва б.) ;
- жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари;
- сиёсий ҳаракатлар ва партиялар;
- тарбия соҳаси ва нодавлат таълими;
- нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими;
- оила;
- черков, диний идоралар.


Фуқаролик жамиятининг белгилари:

- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ тайинланиши;
- ўз-ўзини бошқарув;
- уни ташкил қилувчи тузилма ва одамларнинг турли гуруҳлари рақобати;
- эркин шаклланувчи ижтимоий фикр ва кўпфиррилиқ (плюрализм);
- ялпи ахборот билан таъминланиш ва энг аввало инсоннинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқини амалда бажарилиши;
- ҳаётий фаолият унда мувофиқлаштириш қондаси бўйича асосланади (мутаносиблик қондаси бўйича тузиладиган давлат апаратидан фарқли);
- иқтисодиётнинг кўп укладлилиги;
- ҳокимиятнинг демократик характери ва ошкоралиги;
- ҳуқуқий давлат;
- кишилар ҳаёт даражасини муносиб таъминлай оладиган давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати.


ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Инсоннинг ҳаёт фаолияти шароитларини, шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва турли хил эҳтиёжларини қондиришни ва рўёбга чиқаришни таъминловчи ижтимоий муносабатлар, расмий ва норасмий структуралар йиғиндиси





ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, СИЁСИЙ МАНФААТЛАР

Сиёсий партиялар тушунчаси, функциялари ва тузилиши

“Партия” термини латин тилидан олинган бўлиб, “қисм”, “гурух” деган маънони англатади. У қадимги дунёданок тарқалган эди. Бироқ том маънода сиёсий партиялар парламентаризмнинг шаклланиши жараёнида, яъни XVIII-XIX асрларда пайдо бўлди.

Сиёсий партия – бу ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг анча фаол ва уюшган қисми бўлиб, уларнинг манфаатларини акс эттиради, умумий мафкура билан боғлиқ ва сиёсий ҳокимият учун кураш олиб боради.

Сиёсий партиялар мўйян мақсадларни кўзлаб, жамият ташкилоти ва сиёсий ҳаётига таъсир этади, давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳал қилувчи мавқеларни қўлга киритади. Одатда, сиёсий тизимда бир неча партиялар ҳаракат қилади, бу турли хил ижтимоий қатламлар ва синфлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар билан, уларнинг ҳар бирини ўз сиёсатини амалга ошириш учун кураш олиб бориши билан боғлиқ.

Жамият сиёсий тизимида партиялар алоҳида ўринни эгаллайди. У бошқа институтлар (қасаба уюшмаси, деҳқонлар бирлашмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари)дан фарқ қилади. Мазкур институтлар ҳам сиёсий фаолияти билан машғул бўлсалар-да, уларнинг асосий фаолияти ўз аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Ўз навбатида, сиёсий партиялар фаолиятининг бош мезони ҳокимиятни эгаллаш ва амалга оширишга, давлат ишларини бошқариш учун курашга қаратилган бўлади.

Сиёсий партия жамиятнинг муайян синф, қатлами манфаатларининг изчил ифодачиси сифатида майдонга чиқиб, кишиларнинг кўнгилли жамоасини ўзига намоён этар экан, бу кишилар мафкура жиҳатидан бирлашган ва уюшган бўлади, ўзларининг асосий манфаатларини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятини эгаллашни, ушлаб туришни ва ундан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган бўладилар.

Сиёсий партияларнинг функциялари:

- йирик ижтимоий гуруҳлар манфаатларини аниқлаш, таърифлаш ва қондириш;
- кишиларнинг муайян қисмини фаоллаштириш ва яқинлаштириш;
- сиёсий ҳокимият учун ва ундан фойдаланиш учун кураш, ўзгариб турувчи вазиятга қараб мазкур курашнинг шакли, воситалари ва метод (улул)ларини

аниқлаш (очик ва ёпиқ, инқилобий ва тадрижий-ислохотчилик, курулли ва куч ишлатмаслик ва б.);

- олий ва маҳаллий ҳокимият органларини шакллантириш бўйича сайлов кампаниясини тайёрлаш ва ўтказиш, уларга ўз тарафдорларини йўллаш, уларнинг парламентдаги фаолияти устидан назоратни ташкил этиш;
- партия мафкурасини ишлаб чиқиш, жамиятни ривожлантиришнинг сиёсий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий фикрни шакллантириш ва ташвиқот олиб бориш;
- жамиятни ёки унинг маълум қисмини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш;
- партия учун, турли хил ижтимоий ташкилотлар ва давлат аппарати учун кадрлар тайёрлаш ва уларни йўллаш, ҳукмронлик қилувчи элитани шакллантириш.

Сиёсий партияларнинг тузилмасини партия аппарати, оддий партия аъзолари (партия оммаси) ташкил этади. Унинг ижтимоий асосини партия тарафдорлари ташкил этади.

Сиёсий партиялар жамиятдаги турли хил категориядаги кишиларнинг, қатламларнинг, гуруҳларнинг, синфларнинг турлича манфаатларини ифода этади.

Одатда сиёсий партияларни қуйидаги мезонлар бўйича классификация қиладилар:

1. Дастури ва фаолиятининг ижтимоий йўналишга қараб: социал-демократик, либерал-демократик, коммунистик, синфий, миллатчи, ирқчи, фашистик, диний, давлат-патриоти, халқ;

2. Улар фаолиятининг ғоявий асосларига қараб: доктринал (энг аввало ўз мафкурасини ҳимоя қилишга йўналтирилган), прагматик (ҳаракатнинг амалда мақсадга мувофиқлигига йўналтирилган) ва харизматик (аниқ бир сиёсий етакчи (лидер) атрофига бирлашган);

3. Дастурни бажарилиши методига қараб инқилобий (жамиятни сифат жиҳатидан кескин қайта қуришга интилувчи) ва ислохотчи (жамият ҳаётини тузилмаларини қатъий ўзгартирмасдан яхшилашга интилувчи) ;

4. Сиёсий ҳаракатларнинг характерига қараб: реакцион, консерватив, мўътадил, радикал, экстремистик;

5. Давлат ҳокимияти олий органларидаги вакилликка ва расмий сиёсатга муносабатига қараб: ҳукмрон ва мухолиф (мухолиф юридик мақомига кўра очикча, яримочикча, яшириш бўлиши мумкин) ;

6. Сиёсий спектрдаги ўрнига қараб: чап (сўл), марказий, ўнг;

7. Партия етакчилари билан оддий партия аъзолари ўртасидаги муносабат услубига қараб: демократик ва антидемократик;

8. Аъзо бўлиш характериға қараб: кадрлар (кам сонлилиги, эркин аъзо бўлишлик, ташкилий юмшоқлик) ва оммавий (ўз сафига имкони борича кўпроқ аъзоларни жалб этиш, алоқаларни мустаҳкамлаш, тузилмани мустаҳкамлаш) ;

9. Ташкилий тузилишиға қараб: парламент (бу ерда дастлабки бирлашмалар сифатида ҳудудий кўмиталар амал қилади), лейборист (парламент партияларнинг хилма-хиллиги, жамоа бўлиб аъзо бўлишга имкон берувчи партиялар) ва авангард (ўз аъзоларини ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва демократик марказлашув қоидаси асосида тузилган).

Албатта, мазкур классификация ва бошқа ҳар қандай классификация тугалланмаган ва шартли асосида олинган. Яна бир қанча мезонларни санаб ўтиш мумкин. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, бир партиянинг ўзи ҳам бир неча хил позициялар асосида кўриб чиқилиши ва турларга ажратилиши мумкин.

Сиёсий плюрализм (кўпфикрлик) – бу турли кўринишдаги сиёсий кучларнинг мавжуд бўлиши, уларнинг ўзаро рақобат билан давлат ҳокимияти органларида вакилликка эга бўлишиға кўмаклашувчи принцип. У турли хил нуқтаи-назарлар ўртасида баҳс, бўлиниши, манфаатлар тўқнашувини назарда тутади.

Сиёсий плюрализмнинг моҳиятини жамият турли гуруҳларининг кўп кўринишли манфаатларини ифодаловчи кўплаб фикрлар, қарашлар, позициялар ташкил этади. Сиёсий плюрализм нафақат ижтимоий онгда, балки турли сиёсий институтларни гавдалантириб ва жамиятнинг муайян тузилмасиға таъсир этиб, сиёсий амалётда ҳам пайдо бўлади: партияларда, ҳаракатларда, фронтларда, ассоцияларда, фракцияларда, шунингдек, ҳамма даражадаги вакиллик органларида.

Сиёсий плюрализм кўп ҳолларда мулк шаклининг хилма-хиллигидан, ҳаётнинг турли хил кўринишлари заруратидан келиб чиқади. Ҳаёт фаолиятининг ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва бошқа соҳаларида банд бўлган кишилар гуруҳларининг манфаатлари ва конкрет ижтимоий позициялари унинг асоси ҳисобланади.

Плюрализмнинг ижтимоий қиммати шундаки, унинг кўмагида индивиднинг ўз фикрини ифода этишға имконият таъминланади, имкониятлар тенглиги, жамиятда мавжуд бўлган барча гуруҳларға нисбатан тоқатли бўлиш таъминланади.

Сиёсий плюрализм кўппартиявийлик билан, ғоялар рақобати билан боғлиқ бўлиб, конституция ва қонунлар доирасида бутун сиёсий кучларнинг онгли равишда, ақл билан легал кураш олиб боришини кўзда тутаяди, озчиликни ўз тузилмасини, жумлдан муҳолифатни ҳам сақланишига имкон яратаяди.

Сиёсий плюрализмнинг таркиби (компоненти):

- сиёсий ғоялар ва ташкилий шаклларнинг турли кўринишда эканлиги;
- яқка марказчиликни рад этиш;
- кишиларнинг партиялар ва бошқа қонуний ташкилотларга эркин бирлашиши;
- бошқача фикрларга, қарама-қарши қарашларга нисбатан узрли муносабатда бўлиш;
- муҳолиф кучларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўсиқсиз фаолият кўрсатиши;
- марказий ҳокимиятнинг чекланиши, ҳокимиятнинг бўлиниши;
- ҳокимиятда сиёсий тузилмани алмаштириш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида сиёсий плюрализм қонуний мустаҳкамланган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади”.

Сиёсий кампаниялар: уларнинг стратегияси ва тактикаси

Сиёсий кампаниялар – бу майян мақсадларга эришишга мўлжалланган ҳаракатлар тизимидир. Одатда сиёсатда бундай мақсадлар билан жамиятда ҳокимият тузилмасида ўзгаришлар бўлади, яъни сиёсий ваколатлар қайта тақсимланади, ҳокимият органлари шаклланади, у ёки бу миллий устуворликларга эришилади. Демак, гап жамоа бўлиб ҳаракат қилиш ҳақида кетаётган экан, сиёсий кампанияларнинг мувоффақияти сезиларли даражада унинг мақсадларини одамларнинг кўпчилик миқдорда қўллаб-қувватлашига боғлиқдир.

Сиёсий кампаниянинг мувоффақиятлари бир қатор ҳолатлар билан белгилаб олинади:

- иқтисодий конъюктура, унинг муҳитида сиёсий кампания авж олади;
- ҳамма учун тушунарли бўлган шиорлар, рамзлар, уларда позитив муносабатлар, ҳиссий жавобларни талаб қилувчи кампаниянинг дастурий мақсадлари образли шаклда ифодаланади;
- умумэтироф этилган лидер, унинг образи кампания, ҳаракат мақсадларининг етук ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Демократик жамият учун сайлов кампаниясининг муҳим кўринишларидан бири сайловдир.

Сайлов кампанияси олиб боришнинг махсус техникаси сайлов муҳандислиги деб аталади ва бир қатор объектив ва субъектив ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қурилади:

- сайловчиларнинг кайфиятлари ва сиёсий афзалликларини маълум даражада ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқлиги мавжуд бўлади;
- мазкур жамиятда ёки ижтимоий гуруҳда ҳукмронлик қилувчи сиёсий маданият овоз беришда қатнашувчи кишиларнинг сиёсий ориентациясига таъсир этади;
- сайланадиган лавозимга даъвогарнинг шахси, унинг ўз мақсадларини тушунарли қилиб бера олиши, овоз берувчилар оммасига ёқиши ёки ёқмаслиги муҳим роль ўйнайди;
- овоз бериш натижаси учун нафақат номзоднинг шахсига бўлган муносабат, балки мазкур вақтда номзод намоён этаётган ва ҳимоя қилаётган сиёсий кучлар манфаатлари ҳам муҳимдир.

Сайловларда иштирок этишдан бош тортишга олиб келадиган ҳатти-ҳаракатлар ичида сиёсий арбобларга бефарқлик билан қараш ҳисси, сиёсий тизимга душманлик руҳи, кишиларнинг овоз беришда онгли равишда, пухта ўйлаб иш кўришга халақит берувчи мураккаб, чалкаш сайлов жараёнлари, шунингдек турли хил сиёсий ўйинлар, алдовлар ҳам ҳукмронлик қилади.

СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР

Давлатда ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этишига ёки сиёсий ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилувчи, мафкуравий бирлик билан боғлиқ бўлган кўнгилли иттифоқ

Асоий белгилари

Муайян мафкурани ёки дунёни алоҳида талқин этувчи

Кishiларнинг уюшган бирлашмаси

Ҳокимиятни қўлга олиш ва амалга оширишни мақсад қилиб қўйиши

Сиёсатда жамиятнинг муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиши

Структура

Партия аппарати

Оддий аъзолар

Партия тарафдорлари

Жамиятни яхлит ёки бир қисмини сиёсий тарбиялаш

Партия, давлат структураси, турли ижтимоий ташиклотлар учун кадрлар тайёрлаш

Функциялар

Ҳокимият учун кураш, ундан фойдаланиш ёки унинг устидан назорат қилиши


Катта ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини юзага чиқариш, шакл бериш ва асослаш

Катта ижтимоий гуруҳларни фаоллаштириш ва интеграциялаштириш

Партия мафкурасини ишлаб чиқиш, таъқиқот олиб бориш ва ижтимоий фикрни шакллантириш


ПАРТИЯ ТИЗИМИ

Ҳокимият ва уни амалга ошириш учун қурайда иштирок этувчи (ҳукмрон ва муҳолиф) партиялар йиғиндиси.



СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Классификациянинг асослари



**ДЕМОКРАТИЯНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМЛАРДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАР ҶАРАМУНОСАБАТЛАРИНИНГ
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ (ҚОЙДАЛАРИ)**

Ҳокимият учун доимий
легал кураш

Ҳукмрон бўлган партия (партиялар)
га нисбатан доимий легал
муҳолифатнинг мавжудлиги

Ҳокимият манбаи - ялпи
сайловлар

Партиялар ўртасида демократия
муносабатларига риоя қилинишига
нисбатан розилик

Ҳокимият парламент кўпчилиги
томонидан қўллаб-қувватланиши
таъминланадиган партия (партиялар
гурухи) га тегишли бўлади.

СИЁСИЙ МАНФААТ

Инсоннинг, ижтимоий гуруҳларнинг ўз дунёқараишлари принципларига, эътиқодларига асосланган ҳамда қандайдир сиёсий ҳодисаларга, жараёнларга, сиёсий фаолиятига нисбатан сайлов муносабати. Бу сиёсий хулқ-атворнинг ички, англаган манбаи бўлиб, у кишиларни сиёсий мақсадларни қўйиш ва уларга эришишнинг конкрет сиёсий ҳаракатларини амалга оширишга ундайди

Тавсифий хусусиятлари

Сиёсат соҳасида туради ва жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усуллари ва механизми билан туғридан-туғри ёки бевосита боғлиқ

Жамият иқтисодий устқурмасида моддий муносабатларда етилади, аммо шу билан бирга унга нисбатан фаол роль ўйнайди

Нисбий мустақилликка эга: давлат манфаатлари шахс, ижтимоий гуруҳ, миллатнинг сиёсий манфаатлари билан мос келмаслиги мумкин

Сиёсатни асослашнинг бошланғич омиллари, ижтимоий жараёнларни илмий бошқаришнинг асоси ҳисобланади

Доимо миллий тусга эга, чунки миллатлар сиёсатнинг субъектлари, миллий муносабатлар эса, сиёсий муносабатларнинг элементидир

Амалга ошириш механизми

Сиёсий хулқ-атвор шаклланиши

Сиёсий иштирок

Индивидларнинг сиёсий ҳокимиятга бир вақтда ёки даврий равишда тақоррланадиган ҳаракати (таъсири)

Сайловларда иштирок этиши

Ижтимоий-сиёсий ташиқлотлар фаолиятида қатнашиши

Референдумлар, митинглар, намойишларда қатнашиши

Ҳукумат мансабдарлари билан алоқада бўлиши


Обрўли сиёсий арбобларга мактуб йўллаши

Сиёсий фаолият

Жамиятда мавжуд бўлган сиёсий муносабатларни кишиларнинг кўпчилик оmmasи (синфлар, миллатлар, гуруҳлар) томонидан ўзгартириш ёки тақомиллаштириш бўйича турли сиёсий институтлар доирасида профессионал иш олиб бориши

Давлат структурасида ишлаши

Сиёсий партиялар ва жамоат ташиқлотлари аппаратида ишлаши



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек унинг шахсий буюмларини, юқини, транспортини, туражой ва хизмат биноларини кўриқдан ўтказишга йўл қўйилмайди

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, хибсага олинishi ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиши, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиши вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР
КЎРСАТИШ ХУҚУҚИГА ЭГА
СУБЪЕКТЛАР**


СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўсатиши мумкин


ФУҚАРОЛАР


Сайлаш хуқуқига эга бўлган фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ





ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хохиш-иродани эркин билдириш, партиядан ахтиёр равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади

Ўз уставидаги вазифаларни бажариш мақсадидагина ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мумкин

Пул маблағлари аъзолик бадалларидан, ноширлик фаолиятидан келадиган даромадлардан, фуқролар ва жамоат бирлашмалари томонидан беғараз берилган маблағлардан шаклланади

Сиёсий партиялар хайрия ёрдами олиш ҳуқуқига эга

Сиёсий партияларга аъзолик фақат якка тартибда қайд этилади

Бир партиядан аъзоси айни вақтда иккинчи партиядан аъзо бўлиши мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар партиядан аъзолари ўртасида тақсимланмайди

Давлат сиёсий партияларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этиши учун молиялаштиради

Сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда қатнашади

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда қатнашади.

Давлат ҳокимияти органлари сайловларида қатнашади

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ўз фракциясини тuzади

Қорақалпоқистон Жўқори Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия гуруҳларини тuzади.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (Ўз.ХДП). 1991 йилда ташкил топган. Олий органи – Қурултой, 5 йилда 1 марта чақирилади. Наири: “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана” газеталари, “Мулоқот” журнали.

Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси. (Адолат СДП). 1995 йилда ташкил топган. Олий органи – Қурултой, 5 йилда 1 марта чақирилади. Наири: “Адолат” газетаси.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТИЗИМИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси (Ўз.МТДП). 1995 йилда ташкил топган. Олий органи – Қурултой, 5 йилда 1 марта чақирилади. Наири: “Миллий тикланиш” газетаси.

Ўзбекистон Фидокорлар Миллий Демократик партияси. (ФМДП). 1998 йилда ташкил топган. 2000 йилда “Ватан тараққиёти” партияси билан бирлашган. Олий органи – Қурултой, 5 йилда 1 марта чақирилади. Наири: “Фидокор” газетаси

Ўзбекистон Либерал Демократик партияси (Ўз.ЛиДеП). 2003 йилда ташкил топган. Олий органи – Қурултой, 3 йилда 1 марта чақирилади. Наири: “XXI аср” газетаси

НО ДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР

Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрлийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадлар (фойда)ни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган, ўзини-ўзи бошқариш

Болалар ва ёшлар ташкилотлари

Аёллар ташкилоти

Ногиронлар ташкилоти

Хуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари

Спорт ташкилотлари

Маънавий-маърифий ташкилотлар

Тиббий соғломлаштириш ташкилотлари

Илмий-техник ташкилотлар

Экологик ташкилотлар


Ижтимоий жамғармалар

Миллий маданий марказлар


Бошқа турдаги ташкилотлар

Давлат органлари ҳамда мансabdор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашшига, худди шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда мансabdор шахсларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди

ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХАРАКАТИ



ЎЗБЕК И С Т О Н Д А К А С А Б А У Ю Ш М А Л А Р И Т И З И М И



СИЁСИЙ МАДАНИЯТ, СИЁСИЙ ОНГ, МАФКУРА

Сиёсий маданият: тушунча ва тузилма

Сиёсий маданият – бу жамиятнинг сиёсий ҳаётида ворислик асосида қайта ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ва сиёсий жараён субъектлари фаолиятида бевосита пайдо бўладиган, нисбатан қатъий қадриятлар, йўл-йўриқлар, эътиқодлар, тасаввурлар, хулқ-атвор моделларининг тарихан таркиб топган тизимидир.

Сиёсий маданият – инсоният умумий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, улар фуқароларнинг сиёсий билимлари, баҳолашлари ва ҳатти-ҳаракатларини умумий белгиловчи характери ва даражаси билан боғланган маънавий соҳанинг элементлари (унсурлари)ни ўзида мужассамлаштиради. Шу боисдан ҳам жамиятнинг сиёсий маданияти даражасига қараб унинг сиёсий етуклиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Сиёсий маданиятнинг характерли хусусиятлари:

1. Жамият табиий-тарихий маҳсулоти, жамоавий сиёсий ижоднинг натижасидир;

2. Сиёсий жараённинг элементлари ўртасида такрорланадиган, қатъий алоқаларни қайд этади, сиёсий тажрибанинг барқарор томонларини мустаҳкамлайди;

3. Конкрет мамлакатнинг сиёсий ҳаётига сингиб кетади, ялпи характериға эга бўлади;

4. Сиёсий соҳанинг яқинлашувини ва яхлитлигини таъминлайди;

5. Бутун жамиятнинг ҳаёт фаолиятини методлар билан мувофиқлаштиради, давлат ва шахс, синфлар, турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини бирга қўшиб боради;

6. Ҳокимият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларини меъёрлари, хулқ-атворнинг муайян намуналарини таклиф этади;

7. Асосий халқ оммасининг сиёсий онги ва сиёсий ҳатти-ҳаракатини тавсифлайди.

Сиёсий маданият тузилмаси (структураси)нинг элемент (унсур)лари:

– сиёсий онг ўз таркибига ғоявий компонентлар (сиёсий билимлар, қадриятлар, эътиқодлар, сиёсий тафаккур усуллари)ни ва психологик (сиёсий ҳиссиёт, эмоциялар, кечинмалар, йўналишлар, кайфиятлар) компонентларини қамраб олади;

– сиёсий хулқ-атвор (сиёсий йўл-йўриқ, кўрсатмалар, ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг турлари, шакллари, стиллари, намуналари);

– сиёсий тажриба (сиёсий анъаналар, урф-одатлар, жамиятнинг сиёсий хотираси).

Сиёсий маданиятнинг функциялари:

1. Билиш (фуқароларда зарурий ижтимоий-сиёсий билимларни, қарашларни шакллантиради, сиёсий саводхонликни оширади) ;

2. Интегратив (жамият томонидан танланган сиёсий тузум ва мавжуд сиёсий тизим доирасида келишувга эришишга ёрдам беради, муайян ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга эришиш учун кучларни бирлаштиради) ;

3. Коммуникатив (сиёсий жараён иштирокчилари ўртасидаги алоқани ўрнатишга, сиёсий маданият элементларини авлоддан авлодга ўтказиш ва сиёсий тажрибани тўплашга имкон беради) ;

4. Регулятив (ижтимоий онгда зарур бўлган сиёсий қадриятларни, йўл-йўриқ, кўрсатмаларни, мотивларни, ҳатти-ҳаракатнинг мақсадлари ва меъёрларини мустаҳкамлайди) ;

5. Тарбиявий (фуқароларнинг шаклланишига, шахснинг сиёсатни тўлақонли субъектига айланишига имкон беради, сиёсий ижтимоийлашувга кўмаклашади).

Сиёсий онг: тушунча, тузилма, функциялар

Сиёсий онг – бу инсоннинг давлат ва жамиятни бошқарув ишларида иштироки лаёқатини белгиловчи, кишиларнинг амалга оширилаётган ва исталган сиёсатга муносабатларини ифодаловчи тасаввурлар ва ҳиссиётлар, қарашлар ва эмоциялар, баҳолар ва кўрсатмалар йиғиндисидир.

Сиёсий онг – бу ижтимоий онгнинг асосий шаклларида бири бўлиб, у сиёсий ҳокимиятнинг, давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган. Бу сиёсатнинг субъектив томонини тавсифловчи умумий категориядир. Ўзининг мазмунига кўра, у фуқароларнинг ҳиссий ва назарий, қимматли ва меъёрий тасаввурларини ўз ичига қамраб олади.

Сиёсий онг амалиётдан (практика) ўзиб кетишга, сиёсий жараёнлар ривожланишини прогноз (олдидан айта олиш)лашга, ҳам одамларнинг, ҳам жамоат бирлашмаларининг ҳокимият соҳасида фаолияти табиатини аниқлашга қодирдир. Шунинг учун ҳам сиёсий жараённинг характери ва мазмуни, бошқарув тартиботининг мақсади ва воситалари тўғридан-тўғри сиёсий онгга боғлиқ бўлади.

Сиёсий онгнинг моҳияти шу билан белгиланадики, бу кишилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий реалликни ифодалаш ва ўзлаштириш жараёни ва бир вақтда натижаси ҳамдир.

Сиёсий онгнинг функциялари:

1. Регулятив (ғоялар, тасаввурлар, эътиқодлар ёрдамида сиёсий иштирок тўғрисида ориентир (мўлжал) лар беради) ;

2. Баҳолаш (конкрет сиёсий воқеаларга, сиёсий ҳаётга муносабатларни ишлаб чиқаришга имкон беради) ;

3. Интеграция (яқинлашув) (жамият ижтимоий гуруҳларини умумий қадриятлар, ғоялар, кўрсатмалар асосида бирлашишига кўмаклашади) ;

4. Билиш, ҳис этиш (кишиларга сиёсий ахборотларни ўзлаштиришда, уларни қуршаб олган сиёсий воқеликни таҳлил этишда ёрдам беради) ;

5. Прогнозлаш (сиёсий жараёнларнинг ривожланиш характери ва мазмунини олдиндан билиш учун асос яратади, келажакдаги сиёсий муносабатлар тўғрисида ахборот олишга имкон беради) ;

6. Сафарбарлик (кишиларни сиёсий йўналтирилган ҳатти-ҳаракатга, ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишга, партиядо, ҳаракатларда, бошқа бирлашмаларда ўз ҳамфиқрлари билан бирлашишга сафарбар этади, ундайди).

Ҳақиқий воқеликни чуқур ифодалашига қараб сиёсий онгнинг куйидаги даражалари ажратиб кўрсатилади: мафкуравий ва психологик (руҳий).

Сиёсий онг субъектларга қараб куйидагиларга бўлинади:

- оммавий (омманинг ижтимоий фикри, кайфияти, ҳаракатини ифодалайди);
- группавий (гуруҳий) (аниқ синф, қатлам, элитанинг сиёсий ҳатти-ҳаракатини йўл-йўриқ ва мотивларини умумлаштиради);
- алоҳида, индивидуал (шахс томонидан сиёсатни билиш ва унда иштирок этишни таъминловчи информацион, мотивацион ва қимматли компонентлар тизимидан иборат).

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан лаёқатлилик даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларини шаклланиши, фаолият кўрсатишига шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ташиқил қилиниши жараёнида катта ва ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи омилдир.

Немис файласуфи ва
матрифатпарвари
И.Гердер

XVIII асрда “Сиёсий маданият”
иборасини илмий
муомалага киритган

Америкалик
назарийчи Х.Файер

“Европанинг буюк давлатлари бошқарув
tizими” асари. 1965 й.

Г.Алмонд С.Верба


“Фуқаролик маданияти” асари.
1963 й.


Л.Пай
С.Верба

“Сиёсий маданият ва сиёсий тараққиёт”
асари. 1965 й.


Қадимги мутафаккирлар
Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу
Наср Форобий Юсуф Хос Хोजиб,
Макиавелли асарларида дастлабки
сиёсий маданият тушунчаси у ёки
бу даражада талқин қилинган


Ҳозирги замон политологиясида
халқаро тадқиқотчилардан
Г.Алмонд, Х.Файер, С.Верба,
А.Липсет, М.Дюверже, У.Розен-
баум, Г.Пауэлл, Л.Пай “Сиёсий
маданият” моҳиятини илмий
асарларида ёритиб берганлар






СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ







СИЁСИЙ ОНГ

Назарий билимлар, баҳолар, ва ҳиссиётларнинг тизими бўлиб, улар орқали сиёсат ижтимоий субъекти соҳаларини тан олиши, билиши амалга оширилади (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, бирикмалар орқали)






СИЁСИЙ ОНГНИНГ ТУЗИЛИШИ



СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Ижтимоий психология шаклидаги муносабатлар ва манфаатларни рамкага солувчи ва қайд этувчи ҳамда сиёсий хулқ-атворининг бевосита тарзлари ва йўл- йўриқларини субъектда ишлаб чиқишига кўмаклашувчи сиёсий онгнинг ажралмас таркибий қисмидир



СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ

Шахснинг сиёсий шаклланиши жараёни, инсоннинг сиёсатга кириши, унинг ҳокимият билан муносабатларга тайёрланиши ва жалб этилиши

Жамият сиёсий тизимининг, шунингдек, сиёсат субъектлари сифатлари – шахсларни тақрорий ишлаб чиқариши

Моҳияти

Мазмуни

Субъектлар, шартлар ва омиллар

А) Билимларни индивидга бериш, унинг мавжуд қадриятлар, тажрибалар, меъёрларга қўйилиши, иштирок этиши
Б) Индивиднинг фаол ҳаракати
натijasида ижтимоий муносабатларнинг янада тараққий этиши жараёни

Шахс сифатининг шаклланиши жараёнига бевосита таъсир этувчи таиқи объектв шартлар ва омиллар:

- кенг ижтимоий муҳит (сиёсий онг ва жамият ташиклотлари)
- бевосита ижтимоий муҳит
- биогенетик хусусият
- табиий-географик шароитлар
- индивиднинг ижтимоий аҳволи

Ижтимоий-сиёсий институтлар:

- Давлат;
- партия ва жамоат ташиклотлари;
- ишлаб чиқариш муассасалари ва ўқув юртлари;
- оммавий ахборот воситалари.

Сиёсий онг. Маданият.

Ижтимоий гуруҳлар:

- оила;
- қариндошлар гуруҳи;
- бошланғич жамоа

Ижтимоийлашув субъекти фаоллиги билан бевосита боғлиқ омиллар:

- таълим;
- тарбия;
- ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ўқитиш;
- шахснинг фаолияти

СИЁСИЙ ОНГНИНГ НАЗАРИЙ ВА ЭМПИРИК ДАРАЖАЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИКЛИГИ ВА АЛОҚАДОРЛИГИ

СИЁСИЙ МАФКУРА

Сиёсий мафкура ва сиёсий психология-ягона яхлитликда мавжуд бўлган икки қарама-қаршилиқ, сиёсий онг турмуши ва жамият сиёсий ҳаётини акс эттиришининг икки ҳаётий, зарурий ўзаро боғлиқлик шакллари

Сиёсий психология сиёсий турмушнинг билишнинг қўйи, бошланғич даражаси сифатида тавсифлаш, у сиёсий онгнинг кам ижтимоий аҳамиятли қисми эканлигини англашмайди; унинг ўзига хослиги сиёсий жараёнларнинг боришига жузъий баъзан эса ҳал қилувчи таъсир этишига имкон беради.


Сиёсий психология сиёсий мафкура шаклланишининг объектив шарт ва асоси ҳисобланади; ҳеч бир мафкура, агар омманинг сиёсий психологиясига қарши бўлса, омма томонидан қабул қилинмайди.

Сиёсий психология сиёсий онгнинг энг ҳаракатчан элементи ҳисобланади, омма ўзининг ҳаракатчанлигига қарамай, у нисбий ва консерватив, негаки у ўз даврини ўтаб бўлган анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолишга қодир.


Сиёсий мафкура – сиёсий онгнинг энг қатъий компоненти, одатда у сиёсий психология мазмунини рационализация қилади ва партия, давлат амалий фаолиятининг асосий йўналишини белгилайди


СИЁСИЙ МАФКУРА

Ҳокимият, уни эгаллаш, ҳимоялаш ва фойдаланиш юзасидан турли ижтимоий гуруҳларнинг туб манфаатларини ифодаловчи, зоявий қарашларнинг йиғиндиси, сиёсий онгнинг ядроси бўлиб, унинг асосида сиёсий муносабатлар қарор топади ва тегишли институтлар таъкилотлар ва муассасалар амал қилади





ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАРАКАТЛАРИНИҒ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ






АСОСИЙ ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАР





СИЁСАТ ВА ДИННИНГ БИР-БИРИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ДИАЛЕКТИКАСИ



СИЁСИЙ ЭЛИТА, СИЁСИЙ ЛИДЕР

Сиёсий етакчи (лидер)лик

Сиёсий етакчилик – бу сиёсий фаолиятнинг кўриниши бўлиб, сиёсий жараёнларнинг мувоффақияти ва кўзланган мақсадини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. У ўзида сиёсатнинг энг муҳим асосли хислатларини бирлаштиради: ҳокимият, авторитет (обрў), раҳбарлик, ижтимоий манфаатларнинг ифодаси ва вакиллиги. Бу ҳодисанинг маъноси сиёсат соҳасида обрўли раҳбарликни амалга ошириш билан изоҳланади

Кишилар томонидан ихтиёрий равишда қабул қилинадиган, уларга қўлланиладиган ҳокимият обрўли, нуфузли ҳокимият ҳисобланади. Улар мазкур ҳокимиятга бўйсунди, рози бўлади, ўзларининг сиёсий ваколатларини, ҳуқуқларини бошқа шахсга ёки институтга берилишини ўзлари учун фойдалилигини кўра оладилар. Етакчи эса, ўз навбатида бу ҳуқуқ ва воситалардан уларни ким эгаллаган бўлса, шулар фаровонлиги йўлида фойдаланиш мажбуриятини олади.

Сиёсий етакчилик феномини асосида – раҳбарнинг лаёқати, ўз издошлари манфаатларини акс эттирувчи ва қондирувчи шахслар ҳам, ташкилотлар ҳам, бу ўринда чиқиши мумкин. Шу билан лидер ўз издошлари манфаатларига қарама-қарши ҳаракат қилувчи раҳбарнинг бошқача типи бўлган манипулятордан фарқ қилади.

Сиёсий лидер (етакчи) нинг яна бир муҳим функцияси – мақсадга йўналтирилган ва муваффақиятли раҳбарликни амалга ошириш. У сиёсий ҳатти-ҳаракат ресурслари ва мавжуд имкониятлар ва мақсадларни тўғри баҳолай олиши ҳамда нисбат бера олиш лаёқатини назарда тутди. Агарда ушбу сифат лидерда мавжуд бўлмаса, унда раҳбарлик муваффақиятли бўлмайди, ўз издошларининг манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси қуруқ деклорацияга айланиб қолади.

Сиёсий етакчилик (лидерлик) – бу кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар жараёни бўлиб, унинг амалга ошишига бировлари ўз избосарлари манфаатлари ва эҳтиёжларини биладилар, ҳамда ифода этадилар ва шунинг орқасида нуфузга эга бўладилар ҳамда таъсир қила оладилар, бошқалар эса – ўзларининг сиёсий, ҳокимият ваколатлари ва ҳуқуқларининг бир қисмини ихтиёрий равишда уларга берадилар.

Сиёсий етакчиликда бу икки ўзаро йўналтирилган оқимларнинг қўшилиши натижасида сиёсий фаолият ва сиёсат учун фавқулодда муҳим бўлган сиёсий жараёнлар барча қатнашчиларини ўзаро сафарбар этиш юз

беради: раҳбарларни, чунки улар биладиларки, уларнинг ҳаракати омманингқўллаб-қувватлаши ва мақуллашига таянади ҳамда ўзларининг кучларига ишонадилар; сиёсий жараён ёки ҳаракатнинг оддий иштирокчилари, зеро улар ҳис қиладиларки, уларнинг манфаатлари тушунарли, мақсадлари эса, шаклланган. Бунинг кучи билан жамият сиёсий ҳаёти сезиларли даражада интенсивлашади, у тўлароқ ва натижалироқ бўлади.

Сиёсий элита тушунчаси

“Элита” термини латинчадан олинган бўлиб, “яхшироқ”, “танланган”, “сайланган” деган маъноларни англатади.

Сиёсий элита – бу кишиларнинг нисбатан оз сонли қатлами (ўзига хос бошқарувчи синф) бўлиб, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти органларида раҳбарлик мансабларини эгаллайди ва мамлакатда сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга таъсир этади.

Сиёсий элита жамиятнинг ҳокимиятни бошқарувчи қисми, ҳукмрон қатламидир. Мазкур тушунчага кўра, жамиятда юқори мавқега эга бўлган, фаолиятнинг сиёсий ва бошқа соҳаларида фаолликка эга бўлган, обрў, нуфуз, таъсир ва бойлик эгаси бўлган кишилар гуруҳи кўзда тутилади. Асосан, булар ҳокимият функциялари ва ваколатларини бўлиб олган, олий тоифадаги профессионал сиёсатчилар. Шунингдек, бу жамият тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, сиёсий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашишга тайёрланган олий давлат хизматчиларидир.

Сиёсий элитанинг мавжудлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқдир:

- кишиларнинг ижтимоий ва руҳий ҳолатлари, уларнинг бир хил бўлмаган лаёқатлари, имкониятлари ва сиёсатда иштирок этиш истаклари;
- бошқарув билан профессионал машғул бўлишни, муайян ихтисослашувни талаб қилувчи меҳнатнинг қонуний тақсимланиши;
- бошқарув ва унинг тегишли рағбатланишининг юқори ижтимоий аҳамиятлилиги;
- ижтимоий имтиёзлар олиш учун бошқарув фаолиятдан фойдаланишнинг кенг имкониятлари;
- амалий жиҳатдан сиёсий раҳбарлар фаолияти устидан кенг қамровли назоратни амалга ошириш имконияти йўқлиги;
- одатда, асосий манфаатлари сиёсатдан ташқарида бўлган кенг халқ оммасининг сиёсий пассивлиги (В.Пугачев, А.Соловьев).

Сиёсий элита, бу шунчаки тасодифий кучлар орқали ҳокимиятни бўлиб олган шахслар йиғиндиси эмас, балки “табиий танланиш” натижасида

шаклланган ижтимоий гуруҳ, ўзининг муайян лаёқатларига, касбий билимларига, кўринмаларига, малакаларига эга бўлган кишилар қатламидир.

Шунинг учун ҳам сиёсий элита давлат бошқарувининг марказий звеноси ҳисобланади, сиёсий тизимнинг амал қилиши, жамият сиёсий тараққиётининг бориши ва йўналиши маълум даражада унинг фаолиятига боғлиқдир.

Сиёсий элитанинг функциялари:

- стратегик (жамият, синфлар, қатламлар манфаатларини ифодалайдиган янги ғояларни ўрганиш орқали ҳаракатнинг сиёсий дастурини аниқлаш) ;
- ташкилотчилик (ишлаб чиқилган курсни практикда (амалиётда) рўёбга чиқариш, сиёсий қарорларни ҳаётда гавдалантириш) ;
- интеграция (яқинлаштирувчи) (жамият барқарорлиги ва бирлигини , унинг сиёсий ва иқтисодий тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, зиддиятли вазиятларга йўл қўймаслик ва уларни ҳал этиш).

Сиёсий элита қуйидагиларга бўлинади: ҳукмрон (бевосита давлат ҳокимиятини эгаллайди), мухолиф (контр элита), олий (бутун жамият учун муҳим бўлган қарорларни қабул қилади).

СИЁСИЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР)

Жамият гуруҳ, ташиклотнинг обрўли аъзоси, унинг шахсий таъсири унга сиёсий жараёнлар ва вазиятларда салмоқли роль ўйнаши учун имкон ярамади.

Т а в с и ф и й ж и х а т л а р и

Катта ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига жавоб берувчи аниқ сиёсий дастурнинг мавжудлиги.

Кишиларга ёқishiни билиши, оммабоплик, уларнинг обрў-эътиборини қозониши.

Сиёсий хоҳishi- ирода, масъулиятни ўзига олишига тайёрлик.

Ўтқир ақл ва сиёсий идрок.

Ташиклотчилик таланти ва нотiqқлик лаёқати.

А с о с и й в а з и ф л а р

Жамиятнинг интеграцияллашуви, халқ оммасининг бирлашуви.

Оптималь сиёсий қарорларнинг қабул қилиниши.

Ижтимоий ҳоқимлик ва патронаж, омmani қонунсизликдан, бюрократиянинг ўзбошимчалигидан ҳимоялаш, жамиятда тартибни сақлаш.


Ҳоқимият ва омmaning алоқасини боғлаш, фуқароларни сиёсий раҳбариятдан бегоналашувининг олдини олиши.

Янгилашини намойishi этиши, қўтаринчиликни ва ижтимоий куч-қудратини қўллаш, омmani сиёсий мақсадларни амалга оширишига сафарбар этиши.

Сиёсий тизимни эътироф этиши.

СИЁСИЙ ЕТАКЧИ (ЛИДЕР)ЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

А с о с л а р



Эски ориентирлар йўқотилган,
жамият бўлинган, унда анархия
ва бошбошдоқлик ҳужмрон бўлган
шароитда янги ижодий
мақсадларни, эвристик
дастурларни ва мафқурани
шакллантира олиш малакаси.

Аниқ тарихий давр учун
фундаментал миллий
қадриятларни
персоналлаштириш
(махсуллаштириш лаёқати).

Фавқуллодда вазиятларда қарор
қабул қилишда бюрократик
муолажалар доирасидан четга
чиқишга тайёргарлик.

**ЖАМИЯТНИНГ АМАЛ
КИЛИШИДА, ФАВҚУЛОДДА
ШАРОИТЛАРДА МИЛЛИЙ
МАШСТАБДАГИ СИЁСИЙ
ЕТАКЧИНИНГ СИФАТЛАРИ**

Базисли долзарб манфаатларни
мамлакат тарихи, анъаналари,
ҳозирги ва ўтмиш авлод урф
одатлари билан боғлай билиш
лаёқати.

Бутун жамиятда
тарқатиладиган принципиал
янги моделдаги хулқ-атвор ва
тафаккурни яратиш санъати.

Миллатга ишонч ва
кўтаринкиликни сингдира олиш,
ишончсизликни енгиб ўтишида
унга ёрдам бера олиш масаласи.

СИЁСИЙ ЭЛИТА

Сиёсий ҳокимиятни катта ҳажмда ўз кўлида марказлаштирган, сиёсий ҳатти-ҳаракатларни юзага чиқариш механизмини ташиқл этувчи ва жамиятнинг турли қатламлари сиёсий манфаатлари шаклланишига таъсир этувчи, интеграцияни, мувозанатни таъминловчи, унчалик катта бўлмаган ижтимоий гуруҳ

Тавсифий жиҳатлари

Унчалик катта бўлмаган, етарлича мустақил ижтимоий гуруҳ

Юқори ижтимоий гуруҳ

Етарли ҳажмда давлат ва ахборот ҳокимияти

Ҳокимиятни амалга оширишда бевосита иштирок этиши

Ташиқлотчилик лаёқати ва талант

Таназулга қарши қафолат

Кенг ошқоралик (сўз эркинлиги, ОАВ га монополиянинг йўқлиги, муқобил матбуот органи мавжудлиги)

Сиёсий кўпфирқиллик (эркин рақобат, сиёсий элитанинг мусобакаси, рақиблиги)

Ҳокимиятнинг бўлиниши (тенглик, муроса қилиши, турли ижтимоий кучлар манфаатларининг баланси)

Ижтимоий сафарбарлик учун элитанинг очиқлиги

Сиёсий жараёнлар демократик муолажаанинг, қонунчиликнинг амал қилишига қатъий риоя этиши


Фаолият самарадорлиги мезонлари


Ўз халқининг фаровонлиги ва тараққиётнинг эришилган даражаси

Жамиятнинг сиёсий барқарорлиги.


Миллий хавфсизлик

Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги оптимал муносабат







СИЁСІЙ ЭЛИТАНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ



СИЁСІЙ ЭЛИТАНИНГ ТАНЛАНИШИ



ТАШҚИ СИЁСАТ, ЖАҲОН СИЁСАТИ, СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати

Халқаро муносабатлар – бу давлатлараро, миллатлараро алоқа қилиш соҳасидир. Давлатлар ва халқларнинг ўзаро ҳаракатида, бу соҳада ўз манфаатларини амалга оширишида турли хил муносабатлар шаклланади: дипломатик, иқтисодий, ижтимоий (уларнинг субъекти бўлиб давлат эмас, балки турли хил но ҳукумат ташкилотлари хизмат қилади), маданий, инфорацион (ахборот) ва б.

Халқаро муносабатларнинг замонавий тенденциялари:

- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини амалда *интернационаллаштириши* (байналмилаллашув). У халқаро айирбошлаш ва ўзаро алоқаларнинг, кишилар ўртасидаги алоқаларнинг ўсишида ифодаланади, иқтисодиётда, таълимда, маданиятда, фанда соғлиқни сақлашда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва унинг барча соҳалари хавфсизлигини таъминлашда ўзаро боғлиқлик бўлишини тақозо этади;



- *глобал муаммоларни шаклланиши*, уларнинг ҳал қилиниши фақатгина ер юзида яшовчи барча халқларнинг мувоффақиятли ўзаро ҳаракати ва ҳамкорлиги натижасидагина бўлиши мумкин. Бундайларга тинчликни сақлаш, ҳарбий хавфни минималлаштириш, атроф-муҳитни сақлаш, юқумли касалликлар ва жиноятчилик билан кураш муаммоларини киритиш мумкин;

- *демилитаризация (қуролсизланиши) ва демократизация* – ҳарбий сиёсий соҳаларда юзага келган муаммоларни ҳал этишда аста-секин ҳарбий куч ишлатиш методларидан воз кеча бориш (бундай методларнинг кам самаралиги ва ўта хавфсизлиги борган сари тобора яққолроқ бўлиб кўзга ташланмоқда), шунингдек катта ёки кичиклигидан қатъий назар бу муносабатларда иштирок этувчиларнинг барчасини ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;


- *жаҳон сиёсати* – бу халқаро муносабатлар тизимнинг бир қисми бўлиб, халқаро муносабатлар соҳасида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда давлатларнинг ўз манфаатларини ҳокимиятчилик йўли билан таъминлашдаги фаолиятидир. Ҳозирги замон ҳукмрон дунё сиёсати хавфсизликни унинг турли хил аспектларида: ҳарбий, экологик, ҳуқуқий, технологик, ахборот каби соҳаларда қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

ТАШҚИ СИЁСАТ

Давлат ва жамиятнинг бошқа сиёсий институтларини халқаро майдонда ўз манфаатлари ва талабларини амалга ошириш бўйича фаолияти.




Олиб борилаётган сиёсий курсни ва мамлакатни иқтисодий ривожини қулай ташқи шароитлар билан таъминлаши.



Халқаро алоқалар тизими билан шартлашилган ташқи сиёсий вазифаларни рўёбга чиқариши.

ДАВЛАТ ТАШҚИ СИЁСАТИНИГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ



Ж А Ҳ О Н С И Ё С А Т И

Халқаро ҳуқуқ асосий субъектлари сиёсий фаолияти йиғиндиси. БМТ ва халқаро жамиятнинг бошқа қонуний органлари ва муассасалари фаолиятида ифодаланган, интеграцияланган манфаат

Структура

Суверен, мустақил
миллий давлатларнинг
ташқи сиёсий
фаолияти

Минтақавий, давлатлар-
аро ва ижтимоий
структуралар, итти-
фоқлар, гуруҳлар ва
бошқа бирлашмаларнинг
сиёсий ақциялари

Давлатлар ва халқлар томонидан
ваколатга эга бўлган БМТ ва
бошқа ташкилот ва
муассасаларнинг умумбашарият
даражасидаги фаолияти

Бош устуворликлар

Уруш ва тинчлик


Ялпи хавфсизлик

Атроф-муҳитни қўриқлаш

Қолоқлик ва қашшоқликни
бартараф этиши

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Халқаро майдонда халқлар, давлатлар иқтисодий, сиёсий таъсирларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий, ҳарбий ва бошқа алоқалари ҳамда ўзаро муносабатлари йиғиндиси.



СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Ижтимоий-сиёсий кучларнинг жойлашувини ва мувозанатини, шунингдек, сиёсат субъектларини эҳтиёжларини қондириш, сиёсий мақсадларига эришиш билан бевосита боғлиқ бўлган сиёсий муносабатлар ҳолатини ифодаловчи омиллар ва шартларнинг ўзаро ҳаракати

натижаси ва йиғиндис

Структура (тузилиш)

Сиёсий вазиятлар субъект-лари, уларнинг жойлашуви ва кучлар нисбати

Ҳақиқий ҳаётий ҳолатлар, аниқ сиёсий жараёнлар, ҳодисалар ва тараққиёт

Сиёсий манфаатлар ва мақсадлар

Тавсифий жиҳатлар

Мураккаблик

Қамровлилик

Динамизм

Тенденцияларнинг хилма-хиллиги

Намоён бўлиш шакллари ва кўпчилиги

Асосий типлари

Кооператив (иттифоқчи)

Конфронтацион (зиддиятли)

Кооператив-конфронтацион (аралаш)

ИЧКИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ УСЛУБИЁТИ

1 Сиёсий муносабатлар субъектларини аниқлаш

2 Сиёсат субъектлари сифат ва миқдорий таркибининг таҳлили

3 Сиёсат субъектлари мақсадлари ва манфаатлари таҳлили

4 Жамият ҳаётининг турли соҳаларида реал жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлили, улар ривожланишининг тенденцияларини очиб бериш:

— Иқтисодий аҳолининг таҳлили;

— Ижтимоий-синфий ва миллий муносабатларнинг таҳлили;

— Ижтимоий онг, маданий ҳаётнинг таҳлили;

— Мамлакатдаги креминал вазиятнинг таҳлили;

— Ички ҳарбий – сиёсий вазиятнинг таҳлили;

— Сиёсий ҳокимият легитимлигининг таҳлили.

5 Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг баҳоси

6 Сиёсий вазият ривожининг прогнози (истиқболи)

ХАЛҚАРО (МИНТАҚАВИЙ) СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИНИНГ УСЛУБИЁТИ

1 нёда (минтақада) кучлар қутбларини аниқлаш

2 тблардаги кучлар марказларини аниқлаш

3 члар марказларининг иқтисодий қудратини таҳлили

4 члар марказлари ҳарбий потенциалининг таҳлили ва баҳоси


5 члар марказларида ички сиёсий вазиятнинг таҳлили ва баҳоси

6 лқаро (минтақавий) сиёсий вазиятнинг баҳоси

7 лқаро (минтақавий) сиёсий вазиятнинг ривожланишини олдидан айтишини ишлаб чиқиш

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳал қилиниши инсониятнинг бундан кейинги ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ бўлган ҳаётий муҳим муаммолар йиғиндиси



ЎЗБЕК И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И Т А Ш Қ И С И Ё С А Т И

Давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ташқи ишлар
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш масалалари, давлат халқаро фаолиятининг умумий муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида давлат идораларининг ишини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради

Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат манфаатларини, унинг чет эллардаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди

Республика ҳудудида хоризжий ваколатхоналар ва халқаро ташиқлотларнинг дипломатик ҳамда консуллик дахлсизлигига риоя этиш учун шарт-шароит яратади.

Ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши

Иқтисодий алоқаларни чўқурлаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш


Хоризжий сармояларни миллий иқтисодиётга жалб этиш.


Минтақада ва дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш.


Белгиланган тартибда музокаралар олиб боради


Шартнома ва битимлар тузади

Таклифлар тайёрлайди









ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАТНАШАЁТГАН МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ

Шанхай ҳамкорлик
ташкilotи
2001 йил 15 июнда
ташкил топган

Аъзолари:
Хитой, Россия, Қо-
зогистон, Тожикис-
тон, Ўзбекистон
(2001 й. 15.06.)

Мақсади

Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч
ва дўстликни мустаҳкамлаш

Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-
техникавий, таълим, энергетика,
транспорт, экология соҳаларида
ҳамкорликни ривожлантириш

Умумий ҳаракатлар билан
минтақавий тинчлик, хавфсизлик
ва барқарорликни таъминлаш

Евросиё иқтисодий
ҳамжамияти
2000 йил 10 октябрда
ташкил топган

Аъзолари:
Россия, Белорусь,
Қозогистон, Тожи-
кистон, Ўзбекис-
тон (2006 й. 25.01)

Мақсади

Давлатларда интеграциянинг
энг юқори даражасини таъминлаш

Ўзаро савдо-сотиқда босқичма-босқич
таъриф ва нотаъриф тўсиқларни бекор
қилиши йўли билан эркин савдо
зоналарини барпо этиш

Транспорт хизматлари умумий бозорни ва
ягона транспорт системасини барпо этиш


Умумий энергетика бозорини ва ягона
божхона иттифоқини барпо этиш

Иқтисодий ва валюта иттифоқини
барпо этиш

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР, МИЛЛИЙ СИЁСАТ

МИЛЛИЙ МАСАЛА

Миллий масала деганда турли миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг юзага келиши тушунилади. Улар кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу миллатларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик ҳолатларидан келиб чиқади



МИЛЛАТЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИ

А н г л а т а д и

Ажралиб чиқишгача
ва мустақил давлат
ташкил этишгача
булган, давлат
тузилишини халқ
томонидан эркин тан
олиниши.

Тараққийнинг
иқтисодий, сиёсий,
ижтимоий-маданий
ва бошқа масалаларни
ҳал қилишда
мустақиллик.

Давлатчиликнинг
институтларини ва
рамзларини танлаш
эркинлиги.

Халқларнинг бир
давлатга
бирлашувининг
ихтиёрийлиги.

А м а л г а о ш и р и ш ш а к л л а р и

Ажралувчилик.


Миллий
давлатчиликни
белгилаш асосида
халқнинг хоҳиши
иродаси таъсири
остида миллатнинг
қуп миллатли давлат
бирлашмаси
таркибидан
чиқиши.

Қўшилувчилик


Унитар давлат
шароитларида бир
халқ (миллат)нинг
бошқа халқлар билан
федератив асосда
ягона давлатга
бирлашуви.


МИЛЛАТЛАРАРО МОЖАРО

Ўз миллий манфаатларини ҳимоя этиши учун ташкил этилган ўзаро рақобатлашувчи, бошқа миллатлар тузилмалари ижтимоий сиёсий қарама-қаршиликлари ҳолатининг энг сўнги шакли



МИЛЛАТЛАРАРО МОЖАРОЛАРНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ





МИЛЛИЙ СИЁСАТ

Бу давлатнинг ҳуқуқий актларида ва тегишли сиёсий ҳужжатларда мустаҳкамланган, сиёсат субъектларининг миллатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадли фаолиятдир

**Миллий
сиёсатнинг
ядроси**

Ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашни табиий амалга оширишни таъминлай олиши, эркин, муносиб равишда яшаши, унинг ўзига хослигини, тилини, маданиятини, анъаналарини, жаҳон цивилизациясига қўшилган ҳиссага сақлаб қолиши, миллий манфаатларни келиштириши санъати

Федератив давлат таркибига кирувчи миллат ва элатларнинг миллий давлат тузилишини такомиллаштириши

Федератив давлат субъектлари ўртасидаги ҳўжалик алоқаларини кенгайтириши ва чуқурлаштириши

Миллатидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тенглигини таъминлаш


Миллий маданиятларни, тилларни ва анъаналарни эркин ривожлантириши учун шароитлар яратиши

Можароли вазиятларни тинч усуллар билан ҳал этиши ва миллатлараро мулоқотнинг цивилизацияли шаклларини шакллантириши

Мамлакатдаги миллий жараёнларни бошқариши ва илмий раҳбарлик қилиши механизмини такомиллаштириши


**Федератив давлат
миллий сиёсатининг асосий
йўналишлари**

МИЛЛАТЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ХАЛ ЭТИШНИНГ УСУЛЛАРИ




СИЁСИЙ КОНФЛИКТ (МОЖАРО)

СИЁСИЙ КОНФЛИКТ (МОЖАРО)



СИЁСІЙ КОНФЛИКТ (МОЖАРО)



СИЁСИЙ КОНФЛИКТ (МОЖАРО) НИ ХАЛ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Конфликт (можаро) ни очии

Конфликт (можаро) ни тахлил этиши

Хал этиши усуллари ва йўллари ни излаши

*Конфликт (можаро) нинг манбасини нейтраллаштириши
(тугатилиш) бўйича фаол, изчил, мақсадга йўналтирилган*

*Асосий сабаб бартараф этилди - яъни конфликтга олиб
келадиган ижтимоий қарама-қаршиликлар бартараф*

*Илгари душманлик қилувчи томонлар ўзаро ишонч
асосида ҳамкорлик қилиши йўлини тутадилар*

*Ўзаро муносабатларда томонлар барқарорлик билан
эришилган келишув меъёрларини бажарадилар*

**Конфликтни тўла
бартараф этилган,
ҳал бўлган дейиши
мумкин, агар:**

